

Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан).


## “ЁЛҒОНГА ЎРГАТМАНГ БИЗНИ!”



Бош вазир алоҳида эътибор қаратиб, 2 кун ичида вазиятни ўнглашга, режасиз 8-12 соатлаб узилишларни бартараф этиш бўйича масъулларга топшириқ берганлиги кўпчилиكنи қувонтирган эди. Табиийки, шундан сўнг аҳвол ижобий томонга ўзгарганлиги ҳақиқат. Лекин орадан кўп ўтмай, очиги, янги йилнинг илк кунлари яна Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг кўпгина туманларида электр тизимида узлуксиз узилиш бошлангани ҳақида ачинарли хабарлар тарқалди.

⇒ 3-бет

## ИНСОНИАТ ВИЖДОНИГА МУРОЖААТ



Хемингуэй ўзи биладиган, тажрибали, ўзи ҳис қилган нарсалар ҳақида ёзишни хуш кўрарди. Ва у деярли билмаган нарсалари ҳақида ёзишни ўз зиммасига олмаган. Шунинг учун ҳам ўз позициясини қуйидагича изоҳлади: “Энг муҳими, виждонан яшаш ва ишлаш; томоша қилиш, тинглаш, ўрганиш ва тушуниш. Кечаётган жараёнлардан жуда кўп ўтмай, узоқлашмай аниқ ўрганган нарсаларингиз ҳақида ёзиш”.

⇒ 4-бет

## УМР ЙЎЛЛАРИДА ШАМЧИРОҚ



Китоблар — қалб кўзини янада равшанлаштириб, дунёга адолат нигоҳлари билан боқишни ўргатади. Ҳаёт синонвларида довдираб, тентираб қолмаслик учун ҳам умр йўлларида бир шамчиरोқ мисол порлаб туради. У замон долғаларида ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан авлодларга беминнат етказиб берувчи кема. Бу кемадан халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятлари жой олган.

⇒ 8-бет

## МУНОСАБАТ

# Эркин сўз айтиш фикрати уйғонди

Президентимизнинг ўтган йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасини халқимиз зўр иштиёқ билан эшитди, бутун дунё жамоатчилиги эътибор билан қўзғатди.

Мана, 2020 йил ҳам ортда қолди. Мамлакатимиз раҳбарининг кенг қамровли нутқидан ҳаётимиздаги бирор-бир соҳа, тармоқ четда қолгани йўқ. Ушбу катта анжуманда иштирок этиб давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасини диққат билан эшитар эканман, қатнашчиларнинг нечоғли оғир кечган 2020 йилда юртимизда амалга оширилган улкан ишлар сарҳисобидан, янги 2021 йил давомида амалга оширилиши режалаштирилаётган эзгу вазифалардан диллари ёришиб кетганининг гувоҳи бўлдим.

Дарҳақиқат, нечоғли синовли кечган бўлса-да, 2020 йилда ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида узлуксиз фаолият давом этди. Янги sanoat корхоналари барпо этилди. Янги иш ўринлари яратилди. Республикаимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида юқори баҳоланмоқда. Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимини такомиллаштириш, қувватини ошириш ҳисобига ички бозорни кундалик эҳтиёж маҳсулотлари билан тўлдириш ишлари тўхтаб қолмади.

Президентимиз Мурожаатномасида: “Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун — шунга эътибор беринг — ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган”, деди. Бундай оғир ва қалтис вазият дунё халқларининг хотиржамлигини, тинчлигини бузгани ҳақиқат. Давлатимизда эса олиб борилган ишончли чора-тадбирлар туфайли синовли дамлар нисбатан енгил ўтмоқда. Одамларда эртанги ёруғ кунга ишонч руҳи сақланиб қоляпти.

Албатта, бундай оғир шароитда аҳолининг бандлигини таъминлаш, эзгу юмушларга йўналтириб туриш, бажараётган вазифасидан рози қилиш

аҳоли орасида руҳан тетиклики ва мустақкам иродани тарбиялайди.

Бундан ташқари, ҳудудларда бозор иқтисодиётининг замонавий тизимига ўтиш ишлари ҳам ривожланиб бори. Гарчи аввалида айрим одамлар орасида янги тизим — кластер баъзи тушунмовчиликларни келтириб чиқарган бўлса-да, бора-бора ўз маҳсулотини дунё бозорига олиб чиқишнинг энг қулай ва осон усули эканлигини тушуниб етишди. Ўтган йил наинки, sanoat ишлаб чиқаришида, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга экспорт қилиш ҳажми бир неча баргача ортиди. Мурожаатномада таъкидланганидек, пандемия шароити таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинган.

Қурилаётган чора-тадбирларнинг асл моҳиятида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бозорларимизни керакли кундалик эҳтиёж моллари билан тўлдириб бориш сингари масъулиятли вазифалар бор.

Албатта, бугунги глобал тараққийёт даврида ҳар қандай ютуққа илмий ёндашувсиз эришиб бўлмайди. Бу борада мамлакатимизда ўсиб келаётган ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбиясига, ўқиш, ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.



## УСТОЗЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

# Ўзлигига қарши бормаган ШАХС

Таниқли ёзувчи, моҳир публицист, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Хуршид Дўстмуҳаммад журналистик фаолиятига чизгилар



Устоз, заҳматкаш олим, филология фанлари доктори, таниқли ёзувчи, моҳир публицист, бағрикенг раҳбар, шахмат шайдоси, “Офарин”, “Эътироф” ва “Эҳтиром” миллий мукофотлари, “Шўхрат” медали, “Дўстлик” ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Хуршид Дўстмуҳаммаднинг фаолияти ҳақида, унинг муҳаррирлик йўлидаги ҳаётий тажрибаларига, журналистик фаолиятига назар ташламоқчимиз.

Ҳақиқий бош муҳаррирлар ҳар қандай даврда жамиятнинг юрак зарбини ҳис қиладилар. Айниқса, замон талабларига мос бўлмаган томонларини, камчиликларини, юзага келган муаммо-ю тараққиётга тўсқинлик қилаётган иллатларни аввалроқ аналаб етадилар. Уларни бартараф этиш учун бонг уришга ҳаракат қиладилар. Бу бўлаётган яхшиликлар, муваффақиятларни тан олмайдилар дегани эмас, асло! Ютуқлар ўз йўлига! Зафарлар ўзимизники! Забт этилган марраларга маҳлиё бўлиб қолганининг оқибати эса... тушунган одамга изоҳ ортиқча.

Жонқуяр муҳаррирларнинг муаммони илғаб олишига уларнинг халқ билан ҳамнафаслиги, масалалар ечими устида атрофлича бош қотириши, асл мутахассислар фикрларини эшитиши, изланиши, кўп ўқиши, дунёнинг ривожланган ўлкалари муваффақиятлари билан ўз юрти аҳолини қиёслаб билиши, мавзунини жамоатчилик эътиборига етказиши, бир сўз билан айтганда, ахборотга эга бўлиши сабабчидир балки... Таъкидлаб қўяйлик, гап юртпарвар, халқпарвар зиёли муҳаррирлар ҳақида кетмоқда.

Аммо... ҳақиқий бош муҳаррирлар учун

энг машаққати булар эмас!..

Энг машаққати мавжуд муаммони газета-журналда кўтариб чиқса-да, уни ҳокимият соҳибларига етказса олмаслиги, етказганда эса фикрини қабул қилдирилмаслигидир.

Бош муҳаррирнинг меҳнатлари аксар ҳолларда раҳбарларнинг эътирози, кўп ҳолларда таъйиқларига дучор бўлиши, жамоатчилик эса уни хушласа-да, қўллаб-қувватлай олмаслиги — алоҳида муаммо.

Миллат дардини олиб чиқиш Беҳбудий, Мунавварқори, Обидий, Фитрат, Қодирий,

Ашуралӣ Зоҳирий каби бобомухаррирлардан меросдир балки? Уларнинг бари юрт манфаати, эл қорига яраш йўлидаги заҳмат курбонларидир...

Устоз олимимиз, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуров Амир Олимхоннинг Беҳбудий билан саломлаштириш эп кўрмалари ҳақида ўзи ўрта-ниб, бошқаларни-да ўртаб ёзган бадияси юракни ларзага солади (“Амир нега Беҳбудийга қўл бермади?”). Албатта, И.Ғафуров бу тадқиқот асарида ўша давр муҳити, учрашув тафсилотларини Маҳмудхўжа Беҳбудий ёзган мақола ва давр кечмишлари қиёсида таҳлил қиладди, муносабатини билдиради. Лекин Иброҳим аканинг саволи очик қолаверади. Миллат ичидан чиққан зиёли юртининг озодлиги учун бошини мустамлақачи жаллод кундасига қўйиб бўлса-да, фаолият юритгани, халқининг кўзини очиб, хурликка чорлаш мақсадида мактаб очиб, дарсликлар яратгани, газета-журнал таъсис этиб, вақти келганда танқидий мақолалар ёзгани... учун бир гуруҳ, яъни санокли вакилларни қабул қилган амир ҳамма билан қўришадими, Беҳбудийга қўл узатмайдими...



## ЛУҚМА

# БИР ҚОЗОН СУВ

Бир хабар ўқиб қолдим: “Тошкент шаҳар Олмазор туманида янги — “Riviera” кинотеатри иш бошлади”. Кейин эса “Riviera” сўзига қизиқиб қолдим ва унинг маъносини излай бошладим.



Дастлаб, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни титқилаб чиқдим. Топилмади. Бошқа бир қанча тилга, атамашуносликка оид китобларни кўриб чиқдим, бундай янги “Ўзбекча атама” йўқ экан. Кейин балки жуда қадим туркий сўздир деб ҳатто “Девони луғатит турк”ни кўздан кечирдим, бефойда. Нима қилишни билмай, азбаройи қизиқишим ошгандан ошиб, “Навоий асарларининг изоҳли луғати”га мурожаат қилдим. Кошки, топила қолса... “Нега бу сўзни ўзбек тилига оид луғатлардан изладинг?” — дерсиз. Ахир мен хом сут эмган бандда, ҳамон юртимизда давлат тили учун қайғуриллаётгани, ўзбек тили билан боғлиқ қонун, фармон, қарорларга сўз

сиз амал қилиниши, Давлат тилини ривожлантириш департаментининг изчил фаолиятига, қолаверса, миллатдошларимнинг ўз она тилига бўлган муҳаббатининг кучига жуда-жуда ишонаман-да.

Аммо кўп афсуслики, мен кутган натижа бўлмади. Мамлакатимизнинг пойтахтида янги очилган кинотеатрнинг номи ўзбекча эмас, балки инглизча сўз бўлиб қиди. “Соҳил, қирғоқ” деган маънони англатаркан.

Ер сайёрасининг шар шаклида эканлиги маълум. Лекин ҳали ҳам “Текис ер назарияси”нинг тарафдорлари борлиги ҳайратланарли, а?



## ШУНДАЙ ДЕДИ

Нозим ҲУСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазيري:

Авалли йиллари ишсизлик нафақаси базавий ҳисоблаш миқдори, яъни ойига 223 минг сўмга тенг бўлиб, бу ишсизларнинг иш билан таъминлангунга қадар харажатлар ва эҳтиёжларини қопламас эди. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқиб, биринчи навбатда ишсизлик нафақаси миқдори 3 баробаргача оширилади.

Бунда, ўз навбатида ижтимоий адолат принципи таъминланади. Мазкур тизимнинг жорий этилиши натижасида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан нафақалар учун 2021 йилга 50,0 млрд. сўм маблағ ажратилади.





# Эркин сўз айтиш фикрати уйғонди



Кейинги йилларда ўқитувчиларнинг обрўсини янада кўтариш, жамиятда устоз деган номга, муносиб мавқега эга бўлишлари йўлида бир қанча ишлар амалга оширилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақлари оширилиб, уларни уй-жой билан таъминлаш ва бошқа турдаги имтиёзлардан фойдаланишлари учун қулайликлар яратилди. Мурожаатномада: “**Жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши керак**”, дейилди.

Шунингдек, Президентимиз: “Биз ўс олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”, деди.

Мамлакатимиздаги мактабларда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари бошлаб юборилган. Энг биринчи навбатда, ўқитувчиларнинг иш соҳасига ёндашишларида олаётган иш ҳақи етарли бўлмай, бошқа юмушлар билан қалғиб қолмасликлари учун уларнинг оилалари икки баробарга оширилганди. Эндиликда Мурожаатномада бир вилоятдан иккинчи вилоятга бориб ишлаётган ўқитувчилар иш ҳақи 100 фоиз ёки ўзи яшаётган тумандан бошқа тумандаги таълим даргоҳига бориб ўқувчиларга дарс бераётган ўқитувчилар маошига 50 фоиз устамга белгиланиши айтилди.

Таълимга қаратилаётган бундай эътибор Янги Ўзбекистонни барпо этишда, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Келажакни эса илмий, етук кадрлар нурли қила олади.

Президентимиз Мурожаатномада Оммавий ахборот воситаларига ҳам катта эътибор қаратиб: “**Навбатдаги муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланли ўзгаришларни ҳолис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб**

**муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар том маънода “тўрттинчи ҳокимиятга” айланиб бормоқда.**

Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчлиги ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги бу — давр талаби, бу — Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби”, — дея қатъий таъкидлади.

Шунингдек, “Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз қўндалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт”, деди мамлакат раҳбари.

Эндиги вазифа нимада? Президент талаби юртимиз ҳаётида ўз аксини топишида, албатта. Ахир, матбуотдан ўзини олиб қочадиган раҳбар нафақат кўроқ, балки эртаси йўқ кимсасидир ҳам.

Маълумки, Президентимиз ўсмир-ёшларни етук инсонлар бўлиб вояга етишига, жамиятнинг етакчи, жонфидо аъзоси бўлишга доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу гапги Мурожаатномаларида ҳам ёшлар масаласига алоҳида тўхталдилар. Шу ўринда айтиб ўтиш керакики, Мурожаатномада: “Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “**Қўёшлиқ истасанг, касби камол эт**”, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қўёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-хунарларни ўзлаштириши лозим”, деди Президентимиз.

Бунинг учун, мамлакатимизда ўсмир-ёшларнинг илм сирларини ўқиб-ўзлаштириши, ўзлари истоган касб эгаси бўлиши учун барча шароитлар яратилган ва яратилмоқда. Мурожаатномада бу йил кўшимча равишда яна 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларида ихтисослашган 197

та мактаб ўз фаолиятини бошлаши, шунингдек, физика бўйича Аҳмад Фарғоний номидаги халқаро фан олимпиадаси ташкил этилиши айтилди.

Ёшларга билдирилаётган юксак ишонч, албатта, келажакда ўз маҳсулини беради. Президентимиз Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида: “**Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман**”, деган эди.

Зеро, халқимизда: “Ёшлиқда олган билим тошга ўйилган нақшдир”, деган мақол бор. Ёшларнинг шижоатини, қуч-ғайратини илм олиб, касб эгаллашга сафарбар этиш келажакда улар орасидан дунё илмига муносиб ҳисса қўша оладиган улуг олимлар етишиб чиқишига замин яратади.

Президентимиз томонидан 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном берилишини тақдиф этди. Албатта, бунда ҳозирги пандемия шароитида, биринчи навбатда, аҳоли саломатлиги қанчалик муҳим масала бўлса, янгилаётиган юрт истиқболини яратиш ёш авлодга эътибор биланлиги қундай равшан ҳақиқатдир.

Яна шуни ҳам айтиш керак, бу йил мамлакатимиз мустақилликка эришганига 30 йил тўлади. Тарихан катта сана бўлмас-да, ўтган йиллар Ўзбекистон учун улкан эврилишлар, юксалишлар, энг муҳими, дунё билан бўйлашишга лойиқ салоҳиятли давлат барпо этишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

Юртбошимиз 2021 йилда давлат мустақиллигига 30 йил тўлиши муносабати билан: “Албатта, бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан биргаликда “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” деган эзгу ғоя асосида кенг байрам қиламиз”, дея ишонч билдирди.

Бу ёруғ ишонч, улуг саодатли кунлар меҳнатқаш ва танти элимизга эш бўлсин!

Юсуф ЖўРАЕВ.

## ТАЪЛИМ

**Урганч давлат университети ва Ҳиндустоннинг Бҳарати Видяпеех тадқиқот ва менежментни ўрганиш институти ўртасида 2020 йил 16 декабрь куни икки тамонлама ўқув дастури меморандуми ишлаб чиқилиб, имзоланганди.**

# ИЛК САБОҚ ШУКУҲИ

Унга кўра, ушбу ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари томонидан магистратура ва бакалавр босқичида таълим олаётган 100 нафар иқтидорли талабага 10 кун давомидида ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Олиб борилган онлайн ўқув машғулотида магистратура талабалари учун Бизнесни тадқиқ қилиш фанидан, биз бакалаврият талабаларига эса профессор Алка Дҳингра томонидан макро ва микро иқтисодиёт, молия бозори ва унинг турлари тўғрисида ўқув машғулоти ўтказилди. Шунингдек, жаҳон молия бозорига чиқишда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия қироллиги тажрибалари билан танишдик.

Онлайн ўқув машғулотида узлуксиз қатнашган ва ўқув жараёнида берилган топшириқларни ўз вақтида бажарган талабаларга 30 соатлик ўқув дастурини аяқлаганлиги тўғрисидаги халқаро сертификатлар топширилди.

Бундай ўқув машғулотида ташкил этилиши биз талабаларни рақобат бозорига етук мутахассис бўлиб етишишимизда, шунингдек, дунёнинг истаган давлатларида ижтимоий-иқтисодий соҳада фаолият юрита олишимизда таянч вазифасини ўтайди.

Шерзод САЪДУЛЛАЕВ,  
Урганч давлат университети талабаси.

# БИР ҚОЗОН СУВ



Ростини айтсам, мени бундан-да кўпроқ ҳайратлантирган бошқа нарсаси, оранларини қакириб: “Эртага тонг ёришмасдан ҳар бирингиз бир қосада сут олиб келиб, сарой олдидида катта қозонга қуюсизлар”, дебди. Вазирлардан бири қурумсоқ экан, у: “Бир қоса сув олиб бориб қозонга қосам, подшоҳ билиб ўтирибдими? Бир қозон сутнинг ичидида менинг озгина сувим биланми кетади”, деган ҳаёл билан тонг оқарган маҳал сарой олдидида келибди. Не кўз билан кўрсинки, қозоннинг ичидида тўла сув турган эмий!

Ажабланишлари жиҳати, барча аъёнлар қоронғида бир-биридан беҳабар қозонга сув солиб кетаверишган экан.

Ҳикоят орқали нима демоқчи

бўлганимни англагандирсиз. Бизнинг жамиятимизда ҳам тилга муносабат масаласида аҳвол юқоридаги ҳикоятдагига ўхшайди. Биргина менинг ноқуёишим билан ҳамма нарсаси бод бўлиб кетмас, деб ўйлаймиз чоғи. Аслида, ҳамма нарсанинг рисоладагидек бўлиши ҳар биримизга болғик эканини сира англамаймизми?

Биламан, менинг ушбу ёзганимга нафақат Олмасор тумани мутасаддилари, балки Тошкент шаҳар ҳокимлигидагилар ҳам парво қилишмаса керак. Чунки қонун бори амалда ижроси йўқ-ку! Майли, ҳозир бу “не очень важный” гаплар билан бошингизни қотирмай.

Яхшиси айтинг, “Riviera”га кино кўргани қачон борамиз?

Шахзод ШОДМОНОВ.

## ОЧИҚ ГАП

2020 йилда ўзбек тилининг беш жилдик изоҳли лугати макторан чоп этилди. Аввалги нашрдан фарқи, замона тақозоси билан кириб келган брокер, депозит, дилер, консалтинг, лизинг, менежер, менежмент, мониторинг, ноу-хау, санация, холдинг, дисплей, интернет, монитор, принтер, сайт, сканер, файл сингари бир қанча янги сўзлар билан тўлдирилган. Бу нашр кенг тарғиб қилинди, кўп ташкилотларда, ҳатто айрим хорижий мамлакатларда ҳам тақдирот маросими ўтказилди. Она тилимизнинг бу муаззам ёдгорлиги ҳар бир ўзбекнинг ифтихорига айланиб борапти, десак, тўғри бўлади.

Бирок... бир хижолатлик жойи бор — ҳозирги ўзбек адабий тилининг имло ва изоҳли лугатларидаги сўзлар адади 100 мингга ҳам етмайди. Чунончи, “Изоҳли лугат”да 80 минг атрофида сўз бор, холос. Ўзбек тили туркий тиллар орасида энг ишланган, бой тил бўлгани ҳолда, лугатларимизнинг бундай “камсуқум”лиги, албатта, афсусланарли.

Қолаверса, бу 80 минг атрофидаги бош сўзларнинг ҳаммаси ҳам “бош сўз” эмас. Масалан, учирқ деган сўз берилади-да, “қаранг: учуруқ” тарзида “изоҳ”ланади. Яъни, шунинг ўзи икки бош сўз ҳисобига ўтказилган. Бунинг устига, изоҳли лугатга “қўлоғидан тортиб” оқирилган бирталай сўзлар борки, уларнинг аксари Тошкент шаҳри шевадига тегишли. Масалан, ада деган сўз берилади-да, “шв. айн. ота 1.” деб изоҳланади. Ажаб, Андижон ва Ҳида, Хоразмда отани ака деб ҳам аташади, хўш, ака нега қиритилмаган? Отани, бобони Наманганнинг айрим жойларида дедо дейишади, у-чи?

Яна бир ишқаллик — сўзларнинг адабий шакли ўрнига шева сўзи адабий шакл деб кўрсатилганида. Масалан, адабий тилдаги туркий асосли чимилдиқ сўзи четга сурилиб, Тошкент шевадига қўлланадиган гўшанага фаол сўз сифатида изоҳланган, шу каби, қаламбир ўрнига, гармдори изоҳланган — чимилдиқ ва қаламбир сўзлари келтирилиб, “қ. гўшанага”, “қ. гармдори” деб ўтилган.

Ёки тамошо 3-жилдда, тамоша эса 4-жилдда келтирилган, иккови ҳам тўғри деган маънода. 1- жилдда Аллоҳ, 3- жилдда эса Оллоҳ сўзига шарҳ берилган. Буларнинг қай бири маъқул ва мақбул — топилган қандингизни уринг. Булар иккиҳилликлар имло қоидаларининг чалқашшига, саводхонликнинг пасайишига сабаб бўлмайdimи? Ахир, лугат тартиб беришдан яна бир мақсад — сўз ёзилишини бирхиллаштириш ҳам-ку?

Бизнингча, имло ва изоҳли лугатларга шева сўзлари ва сўзларнинг шева шакли (дада — ада) қиритилмаслиги керак, бундай сўзлар “Ўзбек шевалари лугати” деган китобда изоҳланади.

Лугатларимизда биз бир-иккита чўқилаб кўрсатган мисоллар адади аслида анча. Бу эътирозлардан мақсад эса агар соф адабий тилга хос сўзларгина изоҳланадиган бўлса, яна алақанча сўз чиқиб кетиб, бўёғи янаям ҳаминқадар бўлиб қолишини айтиш, холос. Аммо чинакам имло ва чинакам изоҳли лугатларга эга бўлишни истасак, шундай қилишга тўғри келади.

Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилингандан бери айрим куйинчак кишилар шева сўзларини адабий тилга фаол қиритишни тақдиф

# ҚЎШМА СЎЗЛАРНИ ҚЎШМАЙМИЗМИ?

қилишаётир. Уларнинг наздида, лугатни бойитишнинг асосий йўли шевалардан сўз олишдир. Тўғри, шева — халқ жонли тилининг ўзиги. Шеваларда шундай сўзлар борки, уч-тўртта сўз англатадиган тушунчага бир ўзи қифоя қилади. Услубий товланишлари ҳам биёр. Киноя, пичинг, истеҳзо каби бир талай хислатлари бор калималар кўп. Аммо барибир, қайси шевада нима сўз бўлса, барчасини адабий тил лугатига қиқштириш керак эмас. Чунки шевалардаги кўп сўзлар адабий тилдаги лексемаларнинг айрим товуши ўзгарган ҳолдаги талаффузи (Хоразм шевадига хос арқа (эрқа), тунгун (тунгов кун), ёки қўшни халқларнинг тилига хос сўзлар уларга яқин жойда истикомат қиладиган ўзбеклар лексиконига кириб қолиши ҳоллари учрайди. Жалолобод шевасидаги қирғизча қоралайм (қорахалқ), қучашиш (мингашуш), Бухоро шевасидаги тожикча болор (тўсин), рош (марза) сингари сўзлар бунга мисол. Ўзбек адабий тилида бу тушунчалар учун лексик бирликлар бор, демек, уларни “адабий”лаштиришнинг лузуми йўқ. Гуруч ёнига шевалардаги биринж қабул қилиниб, фаол қўллай бошланса, бора-бора адабий тилда гуруч деган сўз йўқолади, чунки тил шундай тартибли, тежамкор воқелики, айнан бир маъно иккита сўз зиммасига юкланса, биттаси сафдан чиқади-кетди.

Аскар шева сўзларини қарасангиз ё талаффузи ўзгарганига ёки ўзбекча эвази бор бўла туриб, бошқа тилдаги сўз қўлланаётганига амин бўласиз. Лугатларга олиш мумкин бўлган лексемалар шева сўзларининг жуда кам улушини ташкил этади. Шундай экан, шевага хос сўзлар адабий тил лексиконини бойитадиган асосий манба бўла олмайди.

Унда, асосий манба нима ўзи?

## Таржима шарофати

Бундан юз-юз эллик йил аввал ўзбек тилида лампочка, технология, кислород, индекс, баланс сингари минглаб сўзлар йўқ эди, улар рус тилидан шунчалик ўтгани йўқ, балки таржима қилинган асарлар матнида “таржима қилиб бўлмайдиган” бирликлар сифатида кириб келди.

Таржима бир тилдаги хорижий сўзларни иккинчи тилга ўтишига восита бўлади, шунингдек, улкан бир катализатор сифатида, миллий тил воқелигининг ўзини ҳам жунбуша келтиради — шу тил бағрида ҳали мудраб ётган имкониятларни юзга чиқаради. Масалан,



тўлдирувчи деган сўз она тилимизда бор эди (хазинани тўлдирувчи асосий нарсаси — солиқ тушуми), аммо русча тил дарслиқларини ўзбекчага ўғириш асносида дополнение деган грамматик категорияни таржима қилиш орқали тўлдирувчи деган янги тушунчага эга бўлди. Бу фикрни техникадаги усилитель / кучайтиргич, электронный вычислитель / электрон ҳисоблагич, частота / тебраниш, напряжение / кучланув, ускоритель частиц / заррачалар тезлаткичи каби минглаб янги атамалар ўз тилимиз негизиди барпо этилгани далиллайди. Қаранг, кучайтириш, ҳисоблаш, тебраниш, куч, тезлатиш сўзлари тилимизда азалдан бор эди, бироқ улар айни маъноларни ташиммаган. Бу ҳам тил ривожиди. Чунки тил бойлиги фақат лексикон микдорига болғик эмас.

Кўрамизки, сўз-тушунчаларни беқиёс равишда қўлайтирадиган асосий манба — таржимадир. Чунончи, “нуқтаи назар” деган сўз бир-иккита ҳам таржима, аслида. Русча “точка зрения”нинг ўзбекча чопон қийган шакли. Биоклимшунослик (биоклиматология), бўронқуш (буревестник) каби сўзлар қўлайди. Ҳатто, чорак асрча аввал ўзбек тилида қадр, қадр-қиммат сўзлари мавжуд бўлгани ҳолда, қадрият деган сўз йўқ эди. Аллаким рус тилидаги “ценность” калимасини “қадрият” дея қиғтини келтириб ўтирган эди, сингиди-кетди. Шу даражадаки, ҳар тўртта мақоланинг биттиси қадриятларни қадрлаш, эъзозлаш ва улуғлаш деб бошланадиган бўлди. Маънавият (нравственность) сўзи таржимаси хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Илгари бу сўзлар тилимизда йўқ эди, ўттиз-қирқ йиллар илгари қиққан лугатларда улар акс этмаган ҳам.

Рус тилидан ўғириш асносида калька таржима, транслитерация сингари усуллар билан кириб келган маёқ (машъала), қулоқ (муштурмўр) сингари тамоман янги сўзлар, шунингдек, ярим калька тарзида беихтиёр деган маънодаги “мошинавори” (машинально) калималаргача кириб келган.

Илм-фаннинг турли тармоқлари, техника, тиббиёт, банк иши ва савдо, солиқ, қонунчилик, ишлаб чиқариш каби турмушнинг ҳар хил соҳаларига оид китоблар, газета-журналлар, электрон матнли манбалар борки, уларда тили бойитадиган минг-минглаб янги сўзлар қўлланган. Бу сўзлар рус-европа терминлари ҳам, арабий-форсий истилоҳлар ҳам, туркий ўзақ асосида ясалган атамалар бўлиши ҳам мумкин. Улар имло ва изоҳли лугатларни тўлдириш ва бойитишда жуда асқотади. Аммо аф-

суски, ўзбек лугатчилигида таржима асарлар матнидан мисол олиш расм эмас. Бунинг қандай ваҳи бор — бизга қоронгу. “Соф” ўзбекча булоқли матнларда эса ўзбек синтаксисини, лугатларини бойитадиган мисоллар биёр эмас, чунки, боя айтганимиздай, тил таржима асносида ўз қўлочини каттароқ ёяди.

Ҳозирги жадал интеграция ва ахборот асрида тилимизга кириб келаётган янги сўзларни, шунингдек, юз йилдан бери матбуот ва китоб саҳифаларида қўлланган калималарни аниқлаш, қиёслаб ўрганиш, лугатга олиш учун камида ўттиз кишилик илмий гуруҳ керак. Ҳолбуки, бутун ўзбек тили, адабиёти ва фольклорини тадқиқ этиш билан шуғулланаётган академия институтини штати етмиш кишига ҳам етмайди. Имло лугати, изоҳли лугатлар тайёрланган давр — бундан қирқ йилча аввал институтда 350 киши ишлар эди.

## Қўшма сўзлар-чи?

Ўзбек тилида қўшма сўз кўп. Академик Азим Ҳожиёвнинг таърифида, “қўшма сўз — мустақил лексик маъноли икки, баъзан уч компонентнинг ўзаро тобе боғланиши асосида ташкил топган сўзлар: белбоғ, отқулоқ, гултожхўроқ, эркесар, киноаппарат каби”.

Биз қўшма сўзларнинг келиб чиқиши, таркиби ва грамматик хоссалари ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Мақсад — қўшма сўзларни лугатларда тўлиқроқ акс эттириш заруратини далилладан иборат, зеро бундай сўзлар ўзбек лексикасини бойитишнинг энг катта манбаларидан биридир.


Агар барча қўшма сўзлар лугатга олинса, лугатларимиз бинойидай бўпқолади. Аммо нима учундир, ўзбек тилшунослигида қўшма сўзларга қандайдир ўғай кўз билан қараш тамоилии бор, уларнинг ҳатто чорак қисми ҳам қўшма сўз деб тан олинмайди. Аскар қўшма сўзлар эса ўзбек тилининг имло қоидалари тақозосига кўра ажратиб ёзилади. Аммо ўша “тасдиқланган имло қоидалари”нинг ўзи қанчалик асосли, бу баҳсли масала. Масалан, омонат касса деб ёзилади, хатони тўғри деб қабул қилишга мослашмаган одам касса омонат экан, деб тушунади. Тўғриси, омонаткасса бўлиши керак. Омонатдафтарча — маблағингиз қайд қилинадиган дафтарча, омонат дафтар эса — хилвабар, омонатгина бўлиб қолган дафтарча. Кишилар нутқида ҳам улар битта сўз тарзида (қўшиб) талаффуз қилинади. Аммо лугатларимизда бу тушунча-сўзлар йўқ.

Зуҳридин ИСОМИДДИНОВ,  
тилшунос олим.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

“ЁЛҒОНГА  
ЎРГАТМАНГ  
БИЗНИ!”



Миллатимизнинг ўлмас шоири Чўлпон ҳазратлари “Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир” дея юрагидаги бор алам-ҳасратларини бор бўйича тўқиб ташлаган эди бир замонлар. Орадан қарийб бир аср ўтяпти ҳамки, яна шухалқ энди озод бўлдиқ, эркимиз қўлимизда, мустақил давлатмиз, деб кўкрак кериб, бутун дунёга мақтаниб юрган бир маҳалида янги, 2021 йил оғир синовлар билан бошланаётгани кўнгилга ғашлик солаяпти. Ўтган йилнинг, ердан чиқдими, осмондан тушдими, номаълум ҳамон, коронавирус деган бало-казоларнинг аччиқ асоратлари тугар-туғамас, юртдошларимизни аини қиш чилласида бугунги мушкул турмуш заҳматлари кутиб турган эканми ё?

Тўғрироғи, гап 4 январдан бошлаб мамлакатимизнинг қатор ҳудудлари, аввало, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида энергетика тизимида рўй берган жиддий узилишлар ҳақида кетяпти. Менга ўша кўни кундузи Китоб туманидан синфдошим кўнғироқ қилиб ёзгир кетди: “Авалроқ, қиш арафасида кунлар сал-пал совёб келаётган маҳал пеш эмасди-ку, лекин совуқ роса забтига олаётган кунларда, яъни кеча саҳарда свет ўчувди. Бирор қор-ҳол рўй бергандир, ёниб қолар деб пешингача кутдик. Ёлғонмас, бир-икки марта лиллиллаб кўйди. Кейин умуман йўқолди. Хайриятки, қишлоқда яшаймиз, оз-моз ўтин, таппи ғамлагандик. Битта хонада ҳаммамиз жон сақлаямиз. Ўн кунча бўлди, ҳаёо шу даражада совуқки, анави “Аҳборот”даги об-ҳавочиларининг маълумотида мос келмаяпти...”

Шу заҳоти ижтимоий тармоққа чироқсиз яшаш азоб эканлиги ҳақида кичкинагина изоҳ қолдирдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, юртимизнинг турли бурчакларида яшаётган юзлаб таниш-бегона кишилар бу мавзуга оид дардларини дастурхон қилишиб кетишди. “Шахрисабз марказида қўрилган 4 қаватли уйда яшаймиз, эрталабдан бери чироқ йўқ, домчилик, ўтин, печка қуриб бўлмаса. Қалин кийиниб, ёш болаларимни кўрпага ўраб зўрга ўтирибмиз”, деб ёзди Маъруфжон исмли йигит. Бойсунда яшайдиган Исмоил ака деган чорвадор фермернинг дийдисини ўқинг: “Эсимда, ўтган йил ёз оиди охирларида Сурхондарёда умуман светсиз, телевизорсиз яшаётган қишлоқ борлиги ҳақида шов-шувлар тарқалганди. Ҳозир келиб кўришин, деярли ҳамма қишлоқларда аҳвол шундай, амал-тақал қилиб кун кечиряпмиз. Бу аҳволда болаларимиз қандай таълим олади, мактаблар ҳам музлаб ётибди. Интернет зўр, деб мақтанишади яна Тошкентда ўтириб олган каттаконлар. Қани, бирор марди бўлса шу кунларда бизнинг тоғли қишлоқларга келиб яшасин икки кунгина, кўрадиганини кўради-я!”

“Дарё” сайтида эълон қилинган “Ўзбекистон бўйлаб электр таъминотида юзага келган носозлик бартараф этилаётгани маълум қилинди” деган хабарчага кўзим тушди:

“Ўзбекистонда 4 январь кўни электр энергияси таъминотида узилишлар кузатилмоқда. Энергетика вазирлиги юзага келган муаммо соат 23:00 га қадар бартараф этилишини маълум қилди.

Қайд этилишича, соат 06:59 да ва 10:10 да “Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси”га қарашли нефть ва газ қазиб чиқариш конларини электр энергияси билан таъминлаб турган “Нефтьчи” подстанциясидан чиқувчи Л-Зеварда 1-, 2- электр узатиш тармоқлари реле ҳимоясидан ўчган.

Оқибатда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станцияларига етказиб берилаётган табиий газ соатига 140-175 минг метр кубга қисқарган. Бўнинг натижасида электр энергияси таъминотида республика ҳудудлари бўйлаб 600-800 МВтгача чекловлар кузатилмоқда.

“Ушбу юзага келган носозлик махсус бригада томонидан соат 12:15 да бартараф этилиб, Зеварда, Жанубий Кемачи, Жанубий Ўртабулоқ, Денгизқўл, Самонтепа сикус компрессор станцияларида газ ҳайдаш агрегатлари қайсорта ишга туширилмоқда. Натижада магистрал газ қувурларига етказиб берилаётган табиий газ сарфи қайта тиклана бошлади”, дейилганди хабарда.

Аввалига соат роппа-роса кечқурун 23да Чироқчида яшаётган бир танишимдан чироқ ёндимки, деб сўрадим. У ҳам 4 январь кўни кечроққа бориб, бирикми марта ўчиб-ёнганини айтди. Ғузор туманидаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси билан бирининг айтишича, кундузи соат 11 ларда ўчган чироқ кечаси тўққизлар атрофида ёнган, лекин дарс ўтиш имконияти умуман бўлмабди. Деярли ҳар кўни аҳвол шундай, деди муаллим. Қашқадарё вилояти маркази Қарши шаҳрида яшовчи тадбиркор Бахтиёр Тўраевнинг изоҳ беришича, бу ерда электр таъминотида узилишлар кам экан...

Қашқадарёлик филолог-ўқитувчи Ашраф Адинаевнинг ушбу фикрларига алоҳида эътибор қаратишингизни сўрайман: “Мантқиқий савол: қим қўп кечирим сўради? Албатта, муттақам, қаззоб ва ўғриллар. Бундан 4-5 йил аввал кечирим сўраш у ёқда турсин, ҳатто халқни менсимас эди бу ташиқлот. Бизда энергетика тармоғи ривожланмас экан, фақат яшаш учун кураш давом этаверади холос. Тараққиёт, маданият, маънавият деган ту-

шунчалар иккинчи даражага тушиб қолади. Бир ҳафтадан қўп бўлди, воҳамизда бўлдуриқ-совуқ ҳаёо оқими ҳукмрон. Сув трубапури музлаши ҳамда электр токи йўқлиги боис сув ҳам муаммо. Табиий оқма газдан-ку Китоб туманимиз умидини ҳам узган, менчимча. Газ баллонни ҳам бир ойга эллаб, тежаб ишлатиб бўлмаяпти. Кимга, қаерга мурожаат қилишни ҳам билмайди киши. Чунки кечирим сўраб турган (айбдордан) тизимдан қандай қилиб нажот сўраймиз? Президентимиз: “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, дея таълим соҳасида ислохотлар олиб бораётган бир пайтда, энергетикамиз ҳамон эскича қолллардан воз кечолмаётгани ачинарлидир.

Икки кундан буён “Ўзбекистон тарихи” телеканалидан ҳатто тилқикка оид Навоий “Ҳамса”ларининг китоббатига доир кўрсатувени кутиб келаётгандим. Бир соат ичида уч мартабга чироқ ўчди. Бунақа кечирим сўрашлик кулгилмасми? Ҳўш, энергетика тармоғида содир бўлаётган носозликка нималар сабаб бўляпти? Муаммоларининг қачон, қайси ҳудуд, қандай ҳолатда ва қай тарзда бартараф этилганлиги ҳақида аниқ, жўяли аҳборот таққатиб, аҳоли норозилигини бартараф этиши наҳот шу даражада қўйин бўлса?! Аҳоли қачонгача бундай оғир ҳолатда кун кечирishi мумкин? Хорижда бу масала қандай ҳал этилган дей-



сизми? Россиянинг Чита ва Нерчинск шаҳарларида шахсан ўзим гувоҳи бўлган вазиятни мисол келтирмаман. Қул рангли қўк чиққил фурагондан бир нечта қўк костюмдаги энергетика ходимлари қўлларидида қозғоларни хонадон эшикларига ёпиштириб кетишди. Бориб ўқисам, эртага соат 11.00 дан 11.20 гача тармоқда юзага келган носозлик учун тармоқда узилиш бўлади, деб ёзилган. Бу ўн-ўн беш йил аввалги вазият. Ҳозирда эса вилоят телевидениеси орқали қайси туман ёки ҳудудда қачондан қачонгача, нима сабабдан узилиш бўлишини бир кун олдин ёки ўша кўни телеэкран пастида “беғушйи строк” лар билан огоҳлантиришади.

Бизда-чи, “беғушце люди” — одамлар нима қилиши, нима дейишини билмай сарсон-саргардон. Таклифим, дуненинг қайси бир чеккасидида бўлар-бўлмас аҳборотларни, беҳуда, бемаъни нарсаларни томоша қилгандан кўра, ўз юртимиз билан ҳамнафас яшаганимиз маъқул эмасми?”

Тележурналист Жўра Бобораҳматовнинг айтишича, Чироқчи туманидаги Чияли қишлоғида ҳам янги йилдан кейин электр умуман ёнмаётган экан. Ҳатто мол-қолларниям сўриғиша сув йўқ, дейишбди чиялиликлар. Музлаган суви ичган қўй-қўзилар нобуд бўлаётгани ҳақида ҳам ташвишли хабарлар келяпти, дейди ҳамкасбим.

Аён бўлишича, газ ва чиросиз яшашга маҳкумлар асосан қишлоқ аҳолиси эканлиги янада аянчлидир. Ана энди вазирлик тизимидидагилар қандай баҳоналарни тўқиллари мумкин? Устига устак, Энергетика вазирлиги уялмай-нетмай ноқўлайликлар учун истезмолчилардан узр сўраши ортиқча эмасми? Булар кимнинг устидан қулишяпти? Тагин яна айрим казо-казолар одамларнинг электр энергиясидан

қарздорликлари туфайли тизимда шундай қутилмаган узилишлар бўлаётгани ҳақида айюҳаннос солаётгани-чи? Йил ўтиб-ўтмай шаҳарларни қўяверинг, олис-яқин қишлоқлардаги электр ўлчачиқ асбобларини пайпоқ сингари алмаштиравеиш қачонгача давом этади? Нима, оддий халқ сизнинг бундай “ўйин”ларингиз ортида нималар ётганини билмайди деб ўйлайсизми?

Ўтган йилнинг 21 декабрь кўни ҳукуматда иқтисодиёт тармоқлари, қўп квартирали турар-жойлар, ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумига тайёрлаш ва мавжуд муаммоларини бартараф этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтганлиги ҳақида аҳборот тарқатилган ва ана шу йиғилишда Қашқадарё вилояти ҳокими Зойир Мирзаев: “Вилоятимизнинг Ғузор, Чироқчи, Қамаш, Шахрисабз ва Китоб туманларида электр энергияси таъминотида 8-12 соатгача режасиз узилишлар кузатилмоқда. Натижада аҳоли томонидан ҳақли эътироз ва норозиликлар кўпаймоқда. Сабаби, ушбу ҳудудларда кўпчилик аҳоли тоғли ва қишлоқ жойларда яшайди” дея бу борада амалий кўмак сўраганди. Қўтарилган муаммога Бош вазир алоҳида эътибор қаратиб, 2 кун ичида вазиятни ўнлашга, режасиз 8-12 соатлаб узилишларни бартараф этиш бўйича масъулларга топшириқ берганлиги кўпчилиқни қувонтирган эди. Табиийки, шундан сўнг аҳвол ижобий томонга ўзгарганлиги ҳақиқат. Лекин орадан қўп ўтмай, очиги, янги йилнинг илк кўнлари яна Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг кўпгина туманларида электр тизимида узлуксиз узилиш бошлангани ҳақида ачинарли хабарлар тарқалди.

Сурхондарё вилоятининг Қизирик, Бандихон, Ангор, Музработ туманларида ҳам бу борада аҳвол бешбаттар. Ҳар кўни чироқ айни кечки овқат пайти ўчириб ташланмоқда. Айниқса, Қизирик туманидаги “Истара”, “Кўнқиш”, “Яккатерак” маҳаллаларида қиш бошлангандан буён электр чироғидан юрак ўйноғи бўлиб қолдиқ, дея ёзади шу қишлоқларда яшовчи ўнлаб фуқаролар. Ҳатто ичимлик суви, табиий газ, электр токи бўлмағач, олимдон қиш кечаларидаги аҳволни бир кўз олдингизга келтиринг-а!

Бундай огриқли дарду ҳасратларни қозғата туширишдан юрак огриб, мақоламизга сўнгги нуқта қўйилаётган маҳал, 5 январь кундузи соат учда Китоб туман ҳокимлиги билан боғландик. Мутасаддилардан бири шундай изоҳ берди: “Афсуски, бу муаммонинг ечимини тополмаяпмиз. Кечаги вазирлик аҳборотидан бўлак ҳеч қандай жўяли маълумот йўқ. Вазирликка неча марта боғланишга уриняпмиз. Фойдаси бўлмаяпти. Одамлар 4 январь чироси ўчганидан бери тинимсиз кўнғироқ қиялпти, маҳалла оқсоқоллари, кексалар, аёллар ҳокимликка келяпти нажот истаб. Энг ташвишланарлиси, шаҳар марказида қўрилган намунали ҳовиллар ва қўп қаватли уйларда яшаётганларга жуда оғир бўляпти. Қишлоқларда ҳам аҳвол бундан-да чатоқ.

Яна бир даҳшатли томони шуки, биласиз, Ўзбекистонда Қашқадарё ва Сурхондарёнинг тоғли ҳудудларида ўрмонзорлар, яшил зоналар, экологик тоза майдонлар қўп. Шу вақтгача аҳоли имкон қадар қиш мавсумига ўтин ғамлашда қийналмасди. Лекин бу йилги қаҳратонда жабрланаётган одамларга мўмайгина даромад топишни қўлаётган олғирлар тоғ ён бағирларида қўп йиллик арчалар, дўланалар ва бошқа энг фойдали дарахтларни шафқатсизларча кесиб, фалон пулга сотиб юбормаслигига қим ишонади? Ҳозир айримлар имконсизликдан ўз ҳовлисида ташқарига қиқиб, боғлар ва кўча-кўйларда қаровсиз тут ва бошқа мевали дарахтларни ҳам ўтинлик учун кесиб, қопиб кетиш ҳоллари учраяпти. Оқибатда экологик таназзулга юз тутамиз бу аҳволда”.

Биламиз, бошқа уч фаслда ҳам ҳар қандай қийинчилик ва мушкулликларни мардона энгиб келаётган халқимиз аини қишли-қировли шу кунларда дуч келаётган огриқли муаммолари ва жавобсиз қолаётган айрим саволларига ечим излаш битта вазирлик ва мутасаддилар қўлидан келмаслиги аён. Лекин ташқарида қилич қайраб турган қиш фаслининг ўтишини турли хил ваз-қорсонлар билан кутиб турганларга айтар сўзимиз битта: Президентимиз қайта-қайта таъкидлаб чарчамаётган халқни рози қилишдек муқаддас бурч ва вазифани уудалаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш лозим. Қолаверса, қиш мавсумига тайёргарликни қишда эмас, ёзда, кузда қўзда тутишни қачон ўрганади соҳа мутасаддилари? Ушбу саволни беришга мажбуримиз. Зеро, шоир куйиниб ёзганидек, “ёлғонга ўргатманг бизни!”.

Норқобил ЖАЛИЛОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МУШОҲАДА

Касбим тақозосиданми ёки мен ҳам бир оиланинг бекаси бўлганиданми, нима бўлганда ҳам атрофимдаги аёлларнинг ҳаётини, турмуш тарзини беихтиёр кузатаман. Имкон қадар яқиндан ўрганишга ҳаракат қиламан.

Аммо кузатишларни сабаб, юрагимда айрим пайтлари ҳавас, баъзан эса ачиниш ҳисси кечади. Албатта, оилада ҳам, касбда ҳам омади келган, касбда унум бўлган аёлларга ҳавас қилса арзийди. Биламан, улар ана шундай даражага тинимсиз ўқиб-ўрганиши, амалдаги меҳнатлари эвазига эришган. Лекин ҳаётда анча қийналиб яшаётган аёлларни кўриб, бу ҳолга тушишига ўзларининг илмсизлиги, ҳаракатсизлиги, энг ёмонки, ҳафсаласизлиги сабаб бўлган, деб ўйлайман.

ТУШОВЛАНГАН  
РУҲ

муқаррар жар ёқасида туради

Назаримда, баъзи хонадон соҳибаларининг илмий салоҳияти ўзига етарли, шарқ аёлига хос фазилатларга эга, ташқаридан қараганда, ҳавас қилгулик оиласи бордек туюлади. Агар яқинроқ бориб разм солинса, бутунлай бошқа муҳида яшаётганига гувоҳ бўласиз. Масалан, улар ҳаётда ҳашамда яшашни ёқтиришади, тинимсиз меҳнат қилиб пул топади. Аммо топан маблағини кераксиз ҳо-ю ҳавасга сарфлашади. Оқибатда улар майиший муаммолар гирдобига қолиб, қийналиб яшаётган аёллар эканлиги маълум бўлади...



Бир аёлни танийман. У ҳаётда кўп жабр кўрган, иқтисодий аҳволи ҳамин қадар, уч фарзанднинг онаси. Бунинг устига ёлғиз аёл. Турмуш ўртоғи анча йил олдин оиласидан воз кечган. Аммо ҳаётнинг ҳар қанча машаққатлари, қийинчиликлари бу аёлни “синдира” олмади. У ёлланма ишчи эди. Вақт топди дегунча ўқиб, тайёргарлик кўрди. Олий маълумотли бўлиб, ҳатто илмий даражага ҳам эришди. Айни кунда нуфузли ташкилотда ишлайди.

Айтишларига қараганда, оиласини ташлаб, енгил ҳаётни танлаган эр бугун қаттиқ пушаймонда экан. Яна ким билади дейсиз...

Лекин “Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди”, деганларидек, минг афсуски, бугун ҳам ана шунга ўхшаш баъзи оилалар “жар ёқасида” турибди. Ажралишлар кун сайин кўпайиб борапти. Аммо аёл бир нарсани унутмаслиги керак: “Йўқ, бундай яшаб бўлмайди, тамом, ҳаммасига нуқта қўяман”, дейишдан олдин оқибатини бирров ўйлаб кўриш зарар қилмайди. Турмушда ажралиш осон эмас, икки кўнглининг дарз кетиши ва қайта бутланмаслигини ўйлаб кўриш лозим.

Афсуски, мана шу қарорни қабул қилаётган инсонларнинг ҳаммаси ҳам ўз хатоларини вақтида тушуниб етаяптимикан. Айтишади-ку, “Тоғлардан йироқлашганинг сари уларнинг нақадар улуғворлигини ҳис қиласан”, деб. Афсуски, инсон зоти то бир нарсани йўқотмагунча унинг қадрига етавермайди-да. Оила барбод бўлгандан кейингина хатолар аён бўла бошлайди.

Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати шундай: умрини асрашни билмаган умридан, мол-дунёсини асрашни билмаган мол-дунёсидан ажралади. Бугунги кунда дунё миқёсидаги энг катта муаммолардан бири ҳам ажримлар, қолаверса, унинг жабрдийдасига айланган ва айланаётган гўдақлар, ожиза аёллардир.

Начора, бу ҳолат ҳанузгача долзарблигича ечимини қутаётган муаммолардан бири бўлиб турибди. Тўғри, давлатимиз томонидан масалани ижобий ҳал этиш мақсадида қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, қолаверса, масаланинг қайси жиҳатларига кўпроқ аҳамият беришимиз лозимлиги, аёлларнинг бу каби ачинарли ҳолатга тушиб қолишига кўпроқ ким айбдор, бу борада қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг таъсирчан кучи, буларнинг бари эътибордан четда қолгани йўқ.

Жумладан, Республика Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Эндиликда аёлларнинг ҳуқуқлари бузиллигининг олди олинадиган, қулай шарт-шароитлар яратилади, деб умид билан қутилмоқда. Аммо ижобий натижалар ҳали кўринганча йўқ. Шунингдек, гендер масалалари бўйича статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил ва мониторинг қилиш бўйича – “gender.stat.uz” сайти ташкил этилган. Ўзбекистон парламенти ҳам инсон ҳуқуқларига, гендер масалаларига ва тинчлик ва ҳавфсизликка риоя қилмасдан барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди, деган фикрга қўшилади. Бу масалалар расмийлаштирилиб, амалда натижаси бўлиши керак.

Кузатишлардан маълумки, ҳар қандай одам имконият топдим дегунча юксакликка, камолот сари интилади. Аммо шароит ва имконияти бўлмаса-чи, кимдир томонидан тазйиқда яшаса-чи, унинг ўзи ҳам атроф-муҳит таъсирида тубанлашиб боради. Эътиборсиз қолдирилган ҳар қандай нарсани ғўбор босади. Айтилади-ку: “Эркинлиги тушовланган руҳ муқаррар жар ёқасида тургандай ҳис қилади ўзини”, деб. Ахир омад, бахт, мустаҳкам соғлиққа, маълум маънода, эркинлик, рағбат эвазига эришилади.

Президентимиз: “Хотин-қизлар жамиятда ўз ўрнини топиши, қадрли ва азиз бўлиши учун уларни ор-номусли, гурурли эркаклар ва маҳалла-қўй қўллаб-қувватлаши керак”, деган эди. Биз биргина мана шу фикр атрофида мўлоҳаза юритсак, ҳаракатларимиз шунга монанд бўлса, айрим оилаларда кечаётган қўллаб муаммоларга ечим топилади, албатта. Қадимдан халқимизда бир ҳикматли ибора бор: “Аёл йиғлаган юртда ор йиғлайди”. Мен эса: “Аёли йиғлаган оилада бахт бўлмайди”, дегим келади. Сабаби, оила жамиятимизнинг асл кўргонлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан ана шу асл кўргонда барқарорлик, тинчлик, меҳр-оқибат устун бўлиши лозим.

Зухра ҲАСАНОВА,  
“Hurriyat” муҳбири.



✓ АКС-САДО

# Бахтнинг қиёфасини ким чизади?

*“Hurriyat” газетасининг 2020 йил 16 декабрдаги 47-сонида иқтидорли журналист Ҳаким Сапторийнинг “Дунё тақдирини маънавият ҳал қилади” сарлавҳали мақоласини ўқиб, бу мақола эскирмайдиган долзарб мавзуда ёзилганлигини ҳис этдим ва бу ҳақда ўзимнинг ҳам фикр-мулоҳазаларимни билдиришни ният қилдим.*

**Келинг, гапни яхшиликдан бошлайлик. Бу дунёда ҳар ким бахтнинг қиёфасини турлича тасаввур қилади. Кимдир уни бойликдан, кимдир мансаб-мартабадан, бошқа биров эса шоҳона ҳою ҳавасдан қидиради. Ёши бир жойга бориб, чинакам ҳаловат нимадалигини англаб етганлар эса ҳақиқий саодат фарзандлар камолида эканлигини англайдилар.**

Тан олиш лозим, бундай толега эришмоқ учун бир умр курашишга тўғри келади. Зеро, ширин мева умиди ила кўчат эккан бобгон унинг парвариши учун йиллаб заҳмат чеккани каби, фарзандлар роҳат-фарогатини кўриш умидидаги меҳнат худди игна билан қудуқ қазिश каби оғир ва машаққатлидир. Ана шу озорларга чидаганлар, алал-оқибат, бахтиёрлик водийсига ташриф буюрадилар. Нуридийдаларининг ажиб меҳр-оқибати, элга, юртга, жамиятга нафи тегаетганидан қониқиш ҳосил қиладилар.

Мабодо бунинг акси бўлса-чи? Бундай кўргуликни душманга ҳам раво қўриш душвор. Яқинда ўқитувчини ҳақорат қилган ўқувчига шапалоқ туширган муаллим билан боғлиқ воқеа ижтимоий тармоқларда анчагина муҳокамага сабаб бўлганди.

Биронта дарахтнинг синган шохидаги меваларига қўзим тушганида ажабланиман, айни пайтда унинг қудратига қойил қоламан: у мажруҳ бўлса-да, меваларини пиширади ва кейин ўзи қуриydi. Етти

мучаси соғ бўла туриб, фарзандларига одоб-ахлоқ, илму маърифат ўргатмаётган баъзи ота-оналарга эса ҳайрон қоламан. Агар фарзандларимизга ёшлигидан тарбия бермасак, улар улғайган сари тарбиясизлиги ҳам катталашиб бораверади-ку.

Халқимизда “Устоз отандек улуг”, деган ҳикматли нақл бор. Бу устоз макомининг нечоғли улуглигига ишорадир. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий бир кўчадан ўтаётганида отидан тушиб, йўлида отни етаклаганича давом этибди. Ундан ҳайратли сабабини сўрашганида, “Бу кўчада менинг устозим яшайди”, деган эканлар.

Устози Абдураҳмон Жомий эса: *Устоз, муаллимсиз қолганда замон, Нодонлиқдан қаро бўлурди жаҳон, —* деб бежиз ёзмаган.

Ҳа, устозлар ўчмас чироқ янглиғ ҳамиша умр йўлимизни чароғон қилиб туради. Шундай экан, нафақат устозни ҳақорат қилиш, балки унга тин боқиб, гап қайтариш ҳам гуноҳ ҳисобланади.

Бола тарбияси кичик муаммо эмас, балки ҳар бири ўнлаб саҳифаларга жо

бўладиган, баҳсларни, мунозараларни талаб қиладиган долзарб масаладир. Дастлабки эътиборсизлик, қоқайдлик ва нотўғри тарбиянинг таъсири умрбод сақланиб қолади.

Кейинги пайтларда “Маҳалланг — ота-онанг”, “Бир болага етти кўшни — ота-она”, деган ҳикматларнинг маъносини унутиб қўйгандекмиз. Кўшнининг боласи тарбиясида қусурлар пайдо бўлаётган бўлса, вақтида уни огоҳлантирмаймиз. Чунки ақсариятимиз оила уники, фарзанд уники, деган тушунчага ўрганиб қолганмиз.

Яна бир гап, фарзандини телефон, компьютер ва бошқа қимматбаҳо замонавий технологиялар билан сийлаётган ота-оналар дилбандлари бу мўъжизалардан қандай мақсадларда фойдаланаётганликларини нега назорат қилмайдилар? Ҳозирги айрим ёшларнинг телефонидаги ёзувлар, видеотасвирларга кўзингиз тушганида, ҳайрат ва ҳаёдан терга ботасиз. Ақлли одам учун бу чиндан ҳам ахлоқсизлик, фожиа. Аммо айрим дилбандларимиз учун эса шунчаки эрмак, қўнғилхушлиқ, одатий холатга айланиб бораётгани нега жамоатчиликни ташвишга солмапти?

Юқорида қайд этилган барча кўргуликларнинг давоси эса шубҳасиз, китобдир. Болаларда бадий адабиётга, илмга меҳр уйғотишимиз керак. Китоб ҳар бир оила “таомномаси”нинг муқаддимасидан жой олмоғи, фарзанд тарбиясида энг биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланоғи лозим.

Норбўта ГОЗНБВ.

✓ ТАҚДИМОТ

**Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг ўттиз йиллигига бағишланган “Бунёдкорлик симфонияси” китоби чоп этилди. Мазкур китобда нафақат ижод аҳли, балки Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган қурувчи-бунёдкорлар, архитектор ва йўлсозлар ҳамда саноат жонқурларнинг зафарли одимлари ҳақида очерклар жамланган.**

“Бунёдкорлик симфонияси” китобининг тақдимот маросими вилоят ҳокимлиги анжуманлар залида ўтказилди. Унда китобга киритилган қаҳрамонлар ҳамда очерклар муаллифлари иштирок этди.

Тақдимотда Навоий вилояти ҳо-

✓ ТУҲФА

## “Булунғур ҳаёти” янги бинода иш бошлади

**Булунғур туман ҳокимлиги ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши муассислигидаги “Булунғур ҳаёти” газетасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Давлат-хусусий шериклик асосида 275 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган бинода офислар, 35 ўринли кичик мажлислар зали, шинам ва ёруғ фойе мавжуд. Бино алоҳида иситиш тизимига эга. Умумий қиймати 100 миллион сўмлик замонавий меҳбел жихозлари, компьютер жамланмалари билан таъминланган.

Бино ёнида тахириярат ходимлари бўш вақтларида

ҳордиқ чиқаришлари учун мўъжазгина хиёбон ҳам бунёд этилди. Бу, албатта, ижодкорларга илҳом бағишлайди.

— Газетамиз 1931 йил декабрь ойидан буён чоп этилиб келинади, — дейди газета бош муҳаррири Фулом Ўролов. — Газетамизнинг 90 йиллиги ва янги йил байрами арафасида янги замонавий бинода иш бошлаётганимиз кўшалоқ байрамга муносиб туҳфа бўлди. Яратилган шарт-шароитлар келгусида “Булунғур ҳаёти” газетасининг замон талабига мос ҳолда тўлақонли фаолият юритишни таъминлайди.

Носир ЭРКАБОВ.

✓ МАШҲУРЛАР ҲАЁТИ

# ИНСОНИЯТ ВИЖДОНИГА МУРОЖААТ

## ёхуд урушни енгган журналистнинг тавбаси

*Урушда бўлганмисиз, бомба овозини эшитганмисиз ёки порох ҳидини-чи, ҳидлаганмисиз? Буғун тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган бир замонда бу саволларни бериш бироз ғалати туюлиши оқибатида, анча ёқимсиз ҳам. Аммо тинчликнинг қадрига етмоқ учун ҳам урушнинг оғир қулфатларини унутиб бўлмас. Хемингуэй тутилган ва яшаган паллада Америкада ҳам уруш йўқ эди, худди Ўзбекистонда бўлмагани каби. Бироқ у 18 ёшдаёқ урушга жўнаб кетди. Ихтиёрий равишда. Ер шарининг қайсидаир бир мулолишида инсоният қонли урушни бошдан кечирар экан, Хемингуэй ўзини уша ўлкага дахлдор деб билди, тинч яшай олмади. Францияда, Германияда, Испанияда ҳаётини ўтказган бўлди. Миллионлаб ўлган аскарларнинг мурдаларини оралаб улар учун хотира талашди. Ҳечкурса, ёруғ қунарлага етган инсоният бу қунарлар учун жас қилган аскарларни ёрқин хотирлашини орзу қилди. Яраланиб ҳарбий госпиталларда даволанар экан “қуёш барибир чиқавериш”дан умидини узгани йўқ.*

*Хемингуэйнинг таржимаи ҳолида “америкалик ёзувчи, ҳарбий журналист, Нобель мукофоти соҳиби” деб ёзиб қўйилган. Зеро, унинг ёзганларидан урушдаги ошшқ аскарнинг юрак дўқиллаши эшитилади. Ҳаёт ва ўлимнинг ёнма-ён аксини кўрасиз. Қўйдаа сизга Хемингуэйнинг ҳарбий журналистлик фаолиятидан айрим лаҳзаларни туҳфа этмоқдамиз. Зеро, Хемингуэйнинг ўтган асрдаги ҳайқиряқлари ҳар бир аср учун асрдошидир. Ёзувчи ва публицист Хемингуэйнинг овози тинчлик учун мангу чорловдир! Улар ўсмир ёшидан ўтиб-ўтмай урушга отланиб, ундан сунъий эпизодлар қидирган эмас, инсоният тақдирини чин маънода қайғурган юракнинг ҳайқиряқларидир!*

Тақдир муҳри ёки ёзувчилик ва фуқаролик эҳтирослари, фаол ҳаётий позицияси туфайли Хемингуэй XX асрнинг ҳақиқий тенгдоши бўлиб чиқди. Нафақат 1899 йилда — аср охирида тутилгани учун, балки, ҳаёти шу тарзда яралгани, аниқроғи, уни жуда кўп тарихий воқеаларда иштирок этганлигини эслашнинг ўзи кифоядир.

Биринчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1919-1922 йиллардаги юнон-турк урушининг бевосита шохиди, Испаниядаги Миллий инқилобий уруш ва Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Хемингуэй аср билан тенгдош, у урушлар ва инқилоблар, мисли қўрилмаган ижтимоий катаклизмаларга тўла бу текзор ва нотинч асрнинг абадий жангчи фарзанди эди. Унинг таржимаи ҳоли ва фаолияти, тўғрироғи, Хемингуэй публицистикаси фаолиятининг XX аср тарихидан ажралмас бўлағидир.

Ҳар қандай буюк ва ҳаққий санъаткор сингари Хемингуэй ҳам ўзининг публицистикасида, шунингдек, бутун ижодида аср муаммоларини кескин англади, даврининг орғилки саволларига жавоб излади. Франциядан келган қочқинлар, Биринчи жаҳон уруши фахрийлари, Флорида штатидаги бўрон пайтида ўлимга маҳкум этилганлар, Муссолинининг императорлик даъволари учун ҳаётларини қурбон қилган италиялик аскарлар, испан аёллари, қариларча ва болалар фашистик авиацияни ваҳшийларча бомбардимон қилганида қурбонга айланганлари... уларнинг азоб-уқубатлари кини қайта бошдан ўз тани ва қалбига яшаш асносида ёзувчи инсоният виждонига мурожаат қилади. Зеро, бу танаффуссиз муножотдир!

Журналистика одатда ҳарбий қуролга тенглаштирилади. Бу каби ҳолатда, албатта, асосий хиҷат қуролнинг нима мақсадда ишлатилишидир. Агар ёзувчи ўзининг журналистик фаолияти билан адолатли иш — тинчлик учун, урушларга қарши, эрк ва демократия учун, фашизмга қарши, инсоннинг асл бахт ҳуқуқи учун курашса — унинг мақолалари, эсселари, хатлари узоқ вақт давомида ўз аҳамиятини ва долзарблигини йўқотмайди. Ҳар бир асрга асрдош бўлиб яшашда давом этади.

Хемингуэй публицистикасининг асосий мавзурларидан бири бу, шахсий таърибаси орқали инсониятга таҳдид соладиган империалистик урушга қарши ғазабли ва шиддатли норозиликдир. У Биринчи жаҳон урушига қайта-қайта қайтади ва уни “тарихдаги энг буюк, шафқатсиз қиргин” деб атайди. Дунёда унинг қўллаб маъзура ва очерклари фашизмга қарши курашиш мумкин бўлган ҳамма жойда мен унга қарши курашдим”.

Ёзувчи ўзини кўпчиная эски газетачи деб атайди. Дарҳақиқат, бутун ҳаёти давомида, албатта, таниқли узоқлишлар билангина Хемингуэй фаол равишда журналист ва публицист сифатида кўзга ташланди.

Уша даврдаги қўллаб таниқли америкалик ёзувчилар сингари, Хемингуэй ҳам адабий фаолият

тини газета билан бошлади. Мактабни тугатгандан сўнг, 17 ёшли Эрнест мустақил ҳаётни бошлайди, Канзас-Сити шаҳрига жўнайди ва у ерда маҳаллий газета “Канзас Сити Стар”да мухбир бўлиб ишлайди. Аммо Канзасда узоқ вақт хизмат қилмади — атиги олти ой ишлади. Лекин бу биринчи журналистик иш сифатида жуда фойдали бўлди. Аввало, бу ёзувчи кейинчалик миннатдорчилик билан эслаган энг яхши мактаб эди.

Канзасдаги газетанда ишлаб, урушга боришни орзу қилган Хемингуэй мақсадига эришади ва 1918 йил апрель ойда Америка Қизил Хоч автомобиль бирлашмасига қўнғили бўлиб ёзилди, Италия-Австрия фронтига жўнаб кетди. 1919 йил январь ойда у оғир жараҳат олиб, Милан касалхонасида бир неча ой даволаниб уйига қайтди. Кейин у Канада газетаси билан алоқа ўрнатади. 1921 йил охирида Хемингуэй ҳаётида катта бурилиш юз берди: газета “Дейли Стар” Париждаги қароргоҳига чет эллик мухбир сифатида уни Европага жўнатди. Журналистик фаолиятининг янги босқичи бошланди. Икки йил давомида — 1922-23 йилларда Хемингуэй Франциядан ташқари Италия, Германия, Испания, Швейцария, Болгария, Туркия, Грецияга ташриф бурди. У канадалик ўқувчиларни қизиқтириш мумкин бўлган ҳамма мавзуларда ёзади. Ушбу воқеалар биринчи навбатда, Хемингуэйнинг адабий диди ва сиёсий эътиқодини шакллантириш, келажақдаги буюк адибга эврилиши нуктаи назаридан муҳим қадам бўлди.

Юнонистон-Туркия уруши журналистикада ва умуман, Хемингуэй биографиясида муҳим чиқидир. Ёзувчи мағлуб бўлган юнон қўшинларининг орқага чекинишини, юнон аҳолисининг Туркиядан қочиб кетиши, тинч аҳолининг ақлга сиғмайдиган азоб-уқубатларини кўрганини ва урушнинг аҳоли учун қайғули оқибатларига гувоҳ бўлганини ёзади. Буларнинг барчаси уни мисли қўрилмаган ҳайратга ва дахшатга солди. Кўп йиллар ўтгач, у шундай деб ёзган эди: “Яқин Шарқдан уйга бутунлай юрак уриши билан қайтдим ва Парижда бутун ҳаётимни ёзувчи бўлишга бағишладим кераклиги тўғрисида қарор қабул қилишни эслаганим эсимда. Ва мен илм каби совуқдон ҳолда ёзувчи бўлишга қарор қилдим ва бутун ҳаётим давомида иложи борица ҳақиқатни ёзишга аҳд этдим”. Мана Хемингуэй ижтимоий ва ижодий позициясининг асосий қалити ва у ҳеч қачон ўзгартирмаган.

Ушбу журналистик саёхатдан олинган таассуротлар Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол!” романини яратишда ёрдам берди. Ушбу асарни ўқиган ўқувчи Хемингуэй публицистикаси унинг адабий асарларига нечоғли сингиб кетганини кўриши аниқ.

1923 йил охирида Хемингуэй “Торонто Стар” штабининг ходими сифатида ишини тарк этишга мажбур бўлди. Канада ва Қўшма Штатларда қисқа вақт бўлганидан сўнг, у ўзини бутунлай адабиётга бағишлаш учун Парижга қайтиб келди. Шундай қилиб, унинг журналистик фаолиятида бирмунча вақт танаффус юз берарди. 1933 йилда аллақачон таниқли бўлиб улғурган ёзувчи Американинг

“Эсквайр” журнали билан вақти-вақти билан ҳамкорлик қилишга рози бўлди.

Хемингуэй ўзи биладиган, тажрибали, ўзи ҳис қилган нарсалар ҳақида ёзишни хуш кўради. Ва у деярли билмаган нарсалари ҳақида ёзишни ўз зиммасига олмаган. Шунинг учун ҳам ўз позициясини қўйидагича изоҳлади: “Энг муҳими, виждонан яшаш ва ишлаш; томоша қилиш, тинглаш, ўрганиш ва тушуниш. Кечаётган жараёнлардан жуда кўп ўтмай, узоқлашмай аниқ ўрганган нарсаларингиз ҳақида ёзиш”.

Унинг публицистикасида ўта мураккаб мавзу — ёзувчи ва инқилоб мавзуси пайдо бўлади. Ёзувчининг инқилобга муносабати “Эски газетачи ёзади” мақоласида аниқ ифодаланган. “Урушдан сўнг дунё дарҳол ҳозирги замонга қараганда инқилобга жуда яқин эди. Уша қунарларда биз унга ишонган, уни соатма-соат қутиб, қақирганимиз, умидимизни тамоман унга болаганимиз — чунки у биз учун манتيқий қиқш йўли эди”. У ёзувчи инсониятнинг ёруғ келажаги учун курашда иштирок этиши, фақат ўзининг асарлари билан қатнашиш кераклигига амин эди. Бир неча йил ичиди Испанияда фашизмга қарши миллий инқилобий уруш бошланди ва Хемингуэй ўз позициясини кескин ўзгартиради.

Бирок 30-йилларнинг биринчи ярмида публицистикасида Хемингуэй сиёсатдан қочмаган. Айнан мана шу паллада ҳам журналистика кўприк бўлиб хизмат қилди, ўша пайтда уни маълум даражада фашизмга қарши курашчиларнинг илгор лагерьлари билан боғлади. 1932-36 йилларда “Эсквайр”да нашр этилган бир қатор мақолаларида Хемингуэй дунёни ташвишга солган энг долзарб сиёсий муаммоларни хал қилди. Ушбу асосий муаммо фашистик давлатлар — Германия ва Италия Европада тайёрланаётган янги уруш хавотирини эди. Хемингуэй бу хавфни кўра олди ва бор овози билан инсониятни бундан огоҳ этди.

1935 йилда Хемингуэй “Эсквайр” журналига “Келгуси урушлар тўғрисида қайдномалар” номли мақола ёзиб, 1937 ёки 1938 йилларда Гитлер Германияси ва Муссолинининг Италияси бошлаган Иккинчи жаҳон уруши бошланишини тахмин қилган ва одамларга жаҳон уруши нима эканлигини эслатган эди.

1936 йил январь ойда ёзилган “Африка устидаги қанотлар” мақоласида эса ғазаб ва қайғуга ботган. Янги урушни бошлаганларга қарши ғазаб: “Урушни фақат қайқовчилар, генераллар, штаб офицерлари ва фоҳишалар яхши қўришлари мумкин. Уруш даврида улар ҳеч қачон ҳеч нарса бўлмаганидек яшаганлар ва бундан кейин ҳам ҳеч нарса бўлмаганидек нақд пул ишлашга муваффақ бўлишган”.

Муссолини ўлимга юборган Италиянинг содда йигитлари, ишчилари ва деҳқонларини Хемингуэй душман ким ва нима учун душман эканлигини тушунишни истарди. Ушбу мақолада Хемингуэйнинг аниқ сиёсий таҳлиллари диққатга сазовор. Унинг сўзларига кўра, Италия “қучлар билан фитнес уюштириб, ўзи учун эркинлигини таъминлашга ҳаракат қилади ва унинг ҳарбий мағлубияти мамлакатда” большевизм “ғалабасига олиб келиши муқаррарлигини айтиб, санкцияларни бекор қилишга эришади”. Хемингуэй ушбу ўйин механизмининг жуда яхши биларди.

30-йилларнинг биринчи ярмида Хемингуэй публицистикасида муҳим ўринни унинг адабиёт ҳақидаги баёнотлари, ёзиш ҳақидаги фикрлари, ёзувчининг буржуа жамиятидаги мавқеи эгаллади. Ушбу тўпламдаги муаммолар “Африканинг яшил тепаликлари” китобидан парчалар. “Маэстро савол беради” эссеси бунга ёрқин далилдир. Ўқувчи, “Африканинг яшил тепаликлари”да Хемингуэйнинг Толстой ва Тургенев ҳақидаги самимий сатрларини ҳиссиётларсиз ўқий олмайди. Улар Хемингуэй кимни устози деб билгани ва у ўз ишида кимга мурожаат қилгани ҳақидаги саволларга жавоб топишарди.

1930 йилда Флорида штатидаги Кей-Вест қишлоғида яшаган йилларида денгизда балиқ овлашга қизиқиб қолади ва бу қизиқарли фаолият ҳақида кўп ёзди. “Мовий сув тўғрисида” очерки

ушбу мавзунинг муҳимаслаштиришининг ажойиб намунасидир. У ўн беш йил ўтгач, “Чол ва денгиз” қиссаси сюжетини Кубадаги кекса балиқчининг ҳолатини тасвирлайди.

Хемингуэй ҳаётидаги бурилиш нуқтаси 1936 йил, Испанияда фашистик исён бошланганда эди. У бу мамлакатни яхши кўрар, унинг сиёсий ва миллий тақдири юрагига яқин эди. 1937 йилдаги Америка ёзувчиларининг иккинчи конгрессдаги нутқи ёзувчининг сиёсий қурашда иштирок этиш муаммасига қаратилган қарашлари қанчалик тубдан ўзгарганидан далолат беради. “Яхши ёзувчиларни ярата олмайдиган битта сиёсий тизим бор ва бу тизим фарғишдир. Чунки фашизм — бу қароқчилар томонидан айтилган ёлғондир”.

Испания фуқаролар урушидан сўнг, ёзувчи “Қўнғирқоплар ким учун жаранглайди” романини ёзишга ўтирди. Кейинчалик, К. М.Симоновга ёзган хатига: “Испания урушидан сўнг мен дарҳол ёзишим керак эди, чунки бундан кейинги уруш тез яқинлашаётганини билар эдим ва вақт туғаб бораётганини ҳис қилдим”.

Унинг ҳақиқатни ҳушёрлик билан таҳлил қилиш қобилияти, ёзувчининг ўткир ички ногҳои яна алдамлади. 1939 йил 1 сентябрда Иккинчи жаҳон уруши ва 1941 йил 22 июнда унинг хал қилувчи босқичи бошланди — Гитлер Германияси Совет иттифоқига ҳужум қилди. Ва у доимий равишда, Иккинчи жаҳон уруши давомида, совет халқининг қаҳрамонона курашига қойил қолганлигини билдирди. Бир қатор телеграммалар, шунингдек, урушдан кейин К.Симоновга ёзилган жуда муҳим хатлар бундан далолат беради.

1941 йил 7 декабрда Япония АҚШ денгиз қучларига ҳужум қилиб, Қўшма Штатлар уларга қарши урушга қиргандан сўнг, Хемингуэй мухбир сифатида у ерга шошилди, аммо АҚШ ҳарбий маъмурияти уни рад этди. Уша йилларда у Кубада яшаган ва фашизмга қарши урушга ҳисса қўишини истаган ҳолда, балиқ овловчи кемани Қариб денгизига ишлайдиган немис сувоити кемаларини овлашга айлантирган. Шундай қилиб, у фашистлар Германиясига қарши ўзининг “шахсий” урушини бошлади.

Бирок Хемингуэй ўзини ҳамма халқларнинг ёзувчиси эканлигини, унинг овозини миллионлаб одамлар тинглайдиган ва бу урушга муносабатини жамлаёт оқида ифода этиш зарурлигини унутмаган. Бу имкониятни “Урушдаги одамлар” номли урушга бағишланган жаҳон адабиёти асарларини тўплашда иштирок этиш ва унга сўзбоши ёзиш тақдир қилинганда эди. “Ушбу антологияни тузувчилар, — деб ёзган Хемингуэй, — урушдан нафратланади ва шу билан бирга, ўртамеъна, ишонувчанлиги, очқўзлиги, худбинлиги ва амбицияси бу урушга олиб келган ва уни муқаррар қилган барча сиёсатчиларни ёмон қўради”.

У 1944 йил баҳорида Англиядаги “Колльерс” журналининг уруш муҳбири сифатида яна урушга жўнаб кетишга муваффақ бўлди. У Иттифоқ қучларининг Нормандияга тушишида иштирок этган ҳарбий транспортда бўлган. Кейин Германиядаги ҳарбий базаларни бомбардимон қилган инглиз бомбардимончи самолётида учган. Францияни озод қилиш бўйича фаол операциялар бошланганда, Хемингуэй ўзини энг илгор сафларда кўрди, у француз партизанлари гуруҳига раҳбарлик қилди, уларга разведка ишларини муваффақиятли олиб боришда ва Парижни озод қилишга ёрдам берди. Кейин Германия билан чегарада қонли жангларда қатнашди. Ушбу барча операциялар тўғрисида ўқувчи Хемингуэйнинг ажойиб ҳарбий очерк ва мақолаларидан, асарларидан билиб олиши мумкин.

Уруш тугади ва шундай туюладики, бу оғир йилларни аллақачон унуттиш, тинч ҳаётнинг қувончига қайтиш, ижодий асарлар ёзишга шўнғиш мумкин. Аммо Хемингуэй урушдан кейинги дунё тақдири учун ташвиш қолдирмади, уни ҳаммасини асарларига жойлади.



1945 йил охирида аллақачон Хемингуэй “Озод дунё хазинаси” антологиясига муқаддима ёзди. У айтган фикрларнинг аҳамиятини бугунги кун қарачи билан баҳолаш мушкул иш. “Энди, деб ёзган у, — уруш туғаб, ўликлар ўлганида ... биз учун шунчаки курашиш керак эмас, балки қийинроқ бир даврни — яшаётган дунёимизнинг маъносини аниқлашимиз шарт”.

У урушдан кейинги дунё учун хавфни биринчи навбатда Америка тарихи сиёсатининг империалистик йўналишида кўрди ва Қўшма Штатлар дунёдаги энг қудратли давлат сифатида урушдан чиқди. “Ва биз ҳамма энг нафратланувчи мамлакатга айланмасак яхши бўлар эди”, дея Хиросима ва Нагасаки устидаги атом бомбаси портлатишларига ишора қилади. Умри давомида инсониятга қирон келтирган уруш ҳақида ёзган Хемингуэй шундай биттади: “Агрессия уруш дунёда мавжуд бўлган барча яхшиликларга қарши жиноятдир... Ва урушни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Унинг жиноят эмаслиги ҳақида ўйлаш жиноятдир”.

Хемингуэини янги уруш бошланиши хавфи безовта қилади. Бу ҳақда хавотирга тушишининг маълум сабаблари бор эди — 1946 йилда Черчилл ўзининг Фултондаги шафқатсиз нутқида, ҳарбий жазавани кўзгатди, моҳиятан Совет иттифоқига қарши урушга тайёргарлик қўришга қақчирди. Халқроа вазият тобора кескинлашиб борди.

Бундай вазиятда Хемингуэй янги уруш кўзғатувчиларига қарши кескин нутқ учун биринчи қулай баҳонани ишлатди. Бу эса 1948 йилда унинг “Алвидо, қурол!” романининг қайта нашр этилишига сабаб бўлган. Хемингуэй ушбу нашрга қириш сўзини ёзади ва унда нима учун “ёзувчи тинимсиз уруш бўлган беозор, ўлик, ифлос ушбу жиноятга томошабин бўлиб бефарқ қараб туроламаслиги”ни аниқ тушунтириб берди. У нафрат билан Муссолини ва сўнги жаҳон урушини бошлаган нацистлар раҳбарларини эслади: “Ўлиши керак бўлганларнинг кўпи ҳалок бўлди: базилларни Миландаги ёқилги қуйиш шохобчасида сёғидан осиб қўйилган, бошқалари бомбардимон қилingan Германия шаҳарларида осилган”. ... Ушбу сўзлар янги урушни кўзгатувчилар бошига тушиши мумкин бўлган худди шундай тақдирга ишора эдими? Йўқ, бу ишора эмас эди, ёзувчининг хотира далиллари эди! Хемингуэй яна шундай ёзган эди: “... уруш бошлайдиган, уни кўзгатадиган ва олиб борадиганлар — бу фақат иқтисодий рақобат ҳақида ўйлайдиган чўчқалар ва миллионлаб одамлар ўлимидан пул ишлайдилар. Мен урушдан фойда кўрган ва унинг кўзгатилишига ҳисса қўшган ҳар бир кишини жанговар ҳаракатнинг биринчи қундиҳақ отиб ташлаш керак деб ўйлайман!”.</



## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Соатмўминнинг болалик йилларини эсласам, негадир хаёлимга рус шоири Сергей Есениннинг: “Гўдакликда маълум ҳар одам, Бола бошдан деган гап тўғри”, деган сатрлари келаверади.

Оқ-сарғишдан келган келишган бола эди у. Жимгина юрар, ҳатто бирон шўхлик ҳам қилмас, айниқса, мактабдаги дарсларда одоб билан қатнашар, ўқитувчилари ҳам уни ўқувчиларга намуна қилиб мақташарди. Аммо у доскага чиққанида, гўёки илҳоми жўшган шоирга ўхшаб, ҳеч тутилмай сўзларди.

# ОДАМЛАРГА КЕРАК БЎЛСАНГ — БАХТ

ёки нима учун туман Кенгаши депутати “каттароқ лавозим”ни рад этди?

Соатмўмин болалик йиллари ҳақида эсларкан, гапини мактабда ўқиётганида бир гал адабиёт ўқитувчиси Матлуба опа синфга ўзгача қувонч билан кириб келганидан бошлади. Унинг қўзларида бамисли юлдуз порлаганди ўшанда. Қўлидаги китоб-дафтарларини стол устига қўяр экан, ўқувчилар билан саломлашган, шундай деган:

— Ҳурматли ўқувчилар, бугун сизлар синфдошингиз Соатмўмин Жумаевни чин юракдан табрикласангиз бўлади.

У шундай дея қўлидаги газетани ўқувчиларга кўрсатаркан:

— Чунки бугун туманимиз газетаси “Олтинсой тоғи”да Соатмўминнинг шеъри чиқибди. Жуда яхши, жуда чиройли шеър. Буни қарангки, шундай шеър ёзиш санъати бўлса-да, бу ўқувчининг менга ҳам айтмабди, ҳатто мен ҳам беҳабар эканман. Ҳозир шу шеърни сизларга ўқиб бераман:

*Энахоним, эна юрт,  
Қаддинг кўтар, қаддинг тут.  
Сен учмаган оғу йўқ,  
Сен чекмаган қайғу йўқ.  
У кунлар захмин унут,  
Энахоним, эна юрт...*

Ана ўшанда синфдошларининг юзи қизилланиб ўтирган Соатмўминга бир бошқача ҳавас, меҳр билан қарашларини бир кўрсангиз эди.

Ўқитувчи шу кунги адабиёт дарсини унутди. Зеро, унинг бугун айтаётганлари, ўтган дарсларининг зўри, мафтункори, самараси эди.

Матлуба Ғаффорова сўзидан яна давом этиб:

— Ўқувчилар, бизнинг Мўминқул қишлоғи ижодкорлар юрти, шоирлар қишлоғи, деса бўлади. Шоирлар Қўнқор Норқобил, Абди Парда, Тожинос Эшонқулова, Ботир Дониёров, Олия Ортикова, Сайфулло Тоғайлар шу қишлоқ фарзандлари бўлиб, улар ҳам мана шу сизлар ўқиётган мактабда ўқиган.

Буни қарангки, Соатмўмин ўқитувчисининг ўшанда айтган ишонч тўла гапларини бугун оқлапти. У 15 та катта-кичик назмий ва насрий китоблар муаллифи.

Ижодкорларга ҳаваси ва меҳри зўр бўлган Холбой Жумаев “Эна юрт” шеърдан сўнг ўғли Соатмўминни меҳрланиб “Шоир ўғлим”, деб қақирадиган бўлди. Ота бу сўзни гоят бўлакча, ҳаяжон билан оғиз тўлдириб айтарди. Шунда дили, димоғи яйраб кетарди. Аммо бир воқеа кун сайин меҳрланиб, ловуллаб бораётган олов устига қутилмаганда бир чепак совуқ суви селиб юборгандай бўлди.

Уша кунги Холбой фермер одатдагидек эрталабдан ҳовиллари этатидаги тоқзорга ўтиш ниятида эшик очса, эшик тагида сутранг “Нексия” автомашинаси турибди.

Машинадан қадрдон дўсти Акбархон эшон тушаётди. Қўлида қандайдир газета. Аммо юзи одатдагидан кўра тунд кўринади. Фермер уни биринчи бор шундай аҳволда кўриши эди.

Уй эгасининг “Келинг-э, ошна. Аллагайтиб бир йўқлай дебсиз-да”, деган муроаматларидан ҳам унинг чехраси ёришамади.

— Тинчликим, кайфиятингиз анча чак кўринади?  
— Тинчлик эмас-да...  
— Нима бўлди?

— Буни ёзувчи улингиз Соатмўминдан сўранг. У мени шарманда қилди, эл ичидан юрүвсиз қилди. Ҳали газетдаги манови фельетонни ўқимаган кўринасиз. Холбой фермер минг бир хавотирда газетани кўлга олди. Салкам ярим саҳифалик жойда “Беэга бозор” деган шапақлоқдай мақола турарди.

Воқеани фахллаган фермер баланд овозда ҳовлига қарақ бақирди.

— Шоир, хо шоир, дейман.

Ховлида Соатмўмин кўринди.

— Бу нима қилик? Лўлудан баттар бўлсан-ку. Биласанми, лўли ҳам ўз гузарига тош отмайди!

— Ассалому алайкум. Амаки, мол бозори ёмон аҳволда. Оддий тарозига одамлар талаш. Бундан ҳам ёмони мол бозоридан чек берилмайди. Ҳалиям раис бобонинг сизга ошна эканлигини ўйладим. Бўлмаса...

Холбой фермер тутатиб кетди:

— Кет, нари кет, дейман. Нима бало, сен ўзи эсингни еб қўйдингми? Бугундан бошлаб шоир-поирлигингни йиғиштирасан. Ундай зўр бўлсанг, менинг даламга қичиб ўт юл, кетмон чо!

Шундан сўнг у бир умр трактор ҳайдаб, беш олти йилдан бери фермерлик

нонини еб келаётган отасининг гапларида бир ҳикмат сездим. Яхшиларни ёзадиган бўлди. Денов туманидаги 1-мактаб ва унинг фидойи директори Хосият Қораева ҳақида эшитдию, оромини йўқотди. 2004 йилнинг март ойида уни излаб Юрчи қўрғонига борди. Мактаб ҳовлисига кириши билан турли гулларга тўла боғ бағрида қолди. Ҳовли туғул, мактаб ичкарисида ҳам ранго-ранг гуллар, улар барқ уриб, очилиб ётибди. Катта-катта деразалар таҳида гул. Йулакларда гул. Бунинг устига, йўлакларга ҳам гулдай қирмизи гиламлар тўшалган.

Ходима уни эшик тепасига “Директор” деб ёзиб қўйилган хонага бошлаб борди. Директорни кўрдию, хайратлари тўфонлади. “Наҳотки, шу масканга шу одамгина кийинган, соддагина аёл раҳбар бўлса”, ўйлади у. У шу кунги кенгача мактабда қолди. Синфларга кирди. Фан кабинетларини кузатди. Барчаси ўзгача, бариси хайратланарли. Айниқса, 8-март Халқаро хотин-қизлар кунин байрамига бағишланган тантананида қатнашиши унинг дилини яйратди. Директор ёнида ўтириб, ўқувчилар ўқиётган шеърларни эшитиб, кўнгли илҳолланди.

Таассуротларининг бари-барисини у ўзининг “Саидага ўхшатдим” очеркига тўқди. Очеркда муаллиф мактаб директорида Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур қисаси “Синчалак”даги Саидага ўхшаш хайрат ва фидойилик топа олганди. “Жануб вақти” вилоят газетасида чиққан бу очерк яқин орада Сурхондарё вилоятидаги матбуот нашрларида эълон қилинган очеркларнинг энг яхшиси, бадийий пишик ва пухтаси деб баҳоланди. Тахририятнинг мукофотини олди.

Соатмўминда яхши бир одат бор. У ота-она маслаҳатисиз бирор ишга қўл урмайди — ҳадди сиймайди.

2007 йилнинг куз ойи, у “Адолат” газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири сифатида фаолият юритар эди. У отаси олдида одоб билан ўтирди.

— Ота, агар йўқ демасангиз тўй қиламан, “Китоб тўйи” қиламан.

Холбой фермер ўғлига хайрон тикилди:

— Китоб тўйи дейсанми? “Суннат тўй”, “қиз тўй”, “уй тўй” деган гапларни эшитгандим. Аммо “китоб тўйи” деган гапни эшитмабман.

— Бугун устозим Жўра Қодиров биринчи китоби “Умр тўфонлари”га тўй қилди. Зўр тўй бўлди. Термиздан машина-машина бўлиб, меҳмонлар келди. Уларнинг кўпи шоир ва журналистлар. Даврани шоир Шафоат Раҳматулла Термизий бошқарди.

— Ундай бўлса тўй қил. Ҳавасларининг завқини сур.

Шундай қилиб Соатмўмин Жумаев биринчи китоби — “Вахшивор этакларида”га тўй берди. Тўйдан унинг қалби қонди. Вилоят газетасининг қўл ходимлари меҳмон бўлиб келди. Айниқса, Тошкентдан таниқли шоирларнинг таширф буюриши уни беҳад шодлантириб юборди.

Ўтган йилнинг охири кунини эди. Ҳамма хонадонлар Янги йил байрами ҳаяжони нафасида эди.

Эрталаб у қутилмаганда устози Жўра Қодировнинг уйига кириб келди.

Қизгин салом-алиқдан сўнг деди:

— Устоз, кийининг, иш бор.

Ҳамиша яхши ишлар ташвишда юрадиган Соатмўмин яна бир хайрли юмушини бошлаган эди.

— Тинчликим? Топишмоқламай дангал айтаяверсанг-чи, — деди Жўра ака.

— Тинчлик. Байрам муносабати билан маҳалладаги беш-олти хонадонга кириб қисқак, ҳамроҳ бўлсангиз. Қарилардан, касалманди бор оилалардан ҳол сўрасак деган ниятда эдим. Шу муносабат билан совға-салом тайёрлаганман.

— Зўр гап. Ақлингдан айлана, — деди устози қувонганидан. — Дунёнинг зийнати, ободлиги савобда, савоб ишда.

Улар энг аввал 92 ёшли Пўлат Шайматовнинг уй эшигини очишди. Пўлат бобо Шайматовнинг дуосини олишди.

Сўнг қўл йиллардан бери оғир хасталик туғайли тўшақланиб қолган йигит Ҳасан Ибрагимовнинг ҳовлисига рўпара бўлишди. Ўтибордан кўнгли тоғдай қўтарилган йигит дуога қўл очди:

— Укам, болалар олиб келган газеталардан ўқиб, сендан мағрурланиб ётаман. Тошкентдай жойда кўп ишладинг. Турли марказий нашрларда мухбир бўл-

динг. Ҳозир “Ҳуқуқ пресс” журналин ва “Тараққиёт ва стратегия” газетасининг бош муҳарририсан. Омон бўл. Омадингни берсин.

34 ёшли йигитнинг эл-юртда юксак обрў-эътибор тўплаётганига одамнинг ҳаваси келади. Соатмўмин ўтган йилги сайловда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгаши депутатлигига 19-“Мўминқул” сайлов округидан номзодини қўйди.

Бу хабарни эшитган отаси Холбой Жумаевнинг яна пайтавасига қурт тушгандай бўлди. Тезлик билан ўғлини хузурига чакиртирди.

— Нега бунча беўйлов, ўзбошимча бўлиб кетаяпсан-а? Ё озорқ обрў-эътиборинг ҳам қўпик қилаяптими? Шу округдан сендан бошқа номзодини қўйганлар билан ҳазиллашма. Уларнинг ҳаммаси пўлдор, мансабдор, оғайиндор одамлар. Тагин энг ёши сенсан шуларнинг ичиди. Бир ўйлаб кўрдингми шуларни?

— Ота, — деди Соатмўмин ҳамишагидек одоб билан. — Биламан, уларнинг ҳаммаси зўр. Уэр, шу ишни мен Сиздан илк бор сўрамадим. Бу менинг ҳаётдаги биринчи айбим, чунки розилик бермасдингиз. Уларнинг ҳаммаси дадил одамлар. Мен ҳам бир омадимни сынаб кўрсам, нима қилипти. Бирови ҳокимга муовин, бирови эшон бўлса, ўз йўлига.

Хўш, сайлов нима бўлди дейсизми? Ёш йигитнинг элдошларига ишонганича бор экан. Бошқа номзодларга қараганда икки уч хисса кўп овоз олиб ғолиб бўлди! Ёл дарди, юрт ташвиши билан ашаётган ёш депутат шитоб билан ишга киришди.

19-сайлов округи ҳудудидида 1200 дан ошди оила бор. Депутат Соатмўмин Жумаев ўтган ярим йилликда 30 марта сайловчиларнинг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири сифатида фаолият юритар эди. У отаси олдида одоб билан ўтирди.

Мухими, 19-“Мўминқул” сайлов округидаги аҳоли бугун депутатидан мамнун. Улар қувончини яширолмай, биз сайловда кимга овоз беришни энди ўргандик, дейишмоқда.

Бугунги кунда туман кенгаши депутати сифатида ўзининг сайловолди дастурларига монанд турли ташаббусларнинг бошида турган қаҳрамонимиз, тумандаги турли хайрли ишларнинг марказида бўлди. Туман ҳокими Алишер Жумаев билан суҳбатлашганимизда, С.Жумаев ҳақида у шундай деди:

— Соатмўмин Жумаев туманимизда ўз фикрларини дадил айта оладиган, халқимизни қийнаб келаётган муаммоларни рўй-рост гапирадиган, энг муҳими, аҳолининг маънавиятини, маърифатини юксалтиришда амалий ёрдамчи қозғода эмас, балки фидойий меҳнати билан бажараётган ёш ноибларимиздан бири. Унинг ишларидан барчамиз мамнунимиз. У тумандаги оқсоқ соҳаларни овёкча турғазишда муаммоларни кўра оладиган ва ўз ёрдамини аямайди-ган мард ва гайратли депутат ҳисобланади.

Айниқса, маҳаллаларни обод қилишда олиб бораётган ишларини алоҳида таъкидлаш зарур. Иккита маҳалла фуқаролар йиғини идорасини қуриб, шинам гузарга айлантирилишида, “Обшир” қишлоғидаги 21-сонли мактабда замонавий синфхона ва қоровулхонани барпо этилишида чинакам жонбозлик кўрсатди. Биз бундай саховатли юртдошларимиз борлигидан фахрланамиз.

Ўша кунги сайловнинг эртаси эди. Қутилмаганда уларнинг уйига чошмоқ чоғи Солия Ортикова кириб келди. Соатмўминда муваффақият ҳарорати деярли сезилмас, ҳамишагидек эди. Бундан тур-

ман ҳокимининг хотин-қизлар бўйича ўринбосари Солия Ортиқованинг хайратини эса ўғли тенги йигитдан яширолмайди.

— Қойил-э, чиндан ҳам қойил! Ҳеч нарса кўрмагандайсан-а? Сенинг ўрнингда туманнинг уч доврўкли одамини сайловда доғда қолдириб, ғолиблик шоҳ-супасига бемалолгина кўтарилиб олган одам шундай пайтлар уйда тўй қилиб ётган бўлармиди. Сайловда мен туғул шу атрофда дондор бўлган эшонга ҳам ўхшатиб “чил” бердинг-а? Қаҳрамонлик қилиб тан олай: мен озорқ уялгандай, изза бўлгандай бўлдим. Чунки оз эмас, кўп эмас мендан қарийб уч хисса кўп овоз олдинг-а! Табриклайман, чин дилдан табриклайман.

— Устоз, шундай бўлибди. Ўзим Тошкентда эдим. Ҳалигина келдим. Эшитиб, тўриси қувондим.

Соатмўминнинг ҳовли эшиги кўнглидай ҳамиша очик, ҳамма бемалол кириб келаверади.

— Бу нима туриш, домла. Ичкарига кириш.

Туман ҳокими ўринбосарининг шу тобда мактабда математикадан дарс берган собиқ ўқувчиси билан суҳбатлашиш иштиёқи бор эди. Одат буйича уй соҳибни, камтарлик билан қўлимсираб жимгина ўтирар, меҳмон эса чиройи очилиб гурунг берар эди:

— Ўзи шундай олижаноб йигит бўлишингни, ўқитувчилик йилларимдаёқ пайқардим. Синфда ташаббускор эдинг, қардағи йўқ нарсаларни бошлаб, қўзғаб юрадиган. Республикада ҳам газета, ҳам журнал чиқариш осонмас. Ёш муҳими, шу журнал, газета орқали эл-юртга жуда катта нафинг тегаётди.

— Раҳмат опа, раҳмат.

— Ўтган йилги тумандаги бир йиғилишдан роса қувондим. Буни ўзингга ҳам айтгандим, шекилли. “Тараққиёт ва стратегия” газетанга туман халқ таълими бўлими мудирини “Ойдан тушган мудир” дея бошлаб, лекин ҳақиқий танқид қилдинг. Шу мақолани вилоятимизнинг собиқ ҳокими Эркинжон Турдимов туманимиздаги катта бир йиғилишда мудирга пеш қилиб:

— Сизнинг афту башарангизни шу мақоладан англаб олдим. Ишни тузатсангиз тузатасиз, бўлмаса сиз билан хайрлашишга тўғри келади, — деганди.

— Домла, шу мақоладан кейин Эркин ака Турдимов мени ҳам йўқлаганди, ҳатто табриклади. “Газетангизда шундай мақолаларни қўпайтиринг”, деди.

Соатмўминнинг севиқли умр йўлдоши Нигора Турдиева чой келтириб, ширингина дастурхон тузади. Қизгин суҳбат эса давом этди.

— Соат, Соатжон, — дея меҳр ила давом этди ҳоким ўринбосари. — Юрагинг катта, қўрқмас жасур йигитсан. Буни хо-ов уша “Беэга бозор” фельетонингдаёқ сезганман. Шу фельетонга содиқ қилиб, қўпдан-қўп ишларни қилдинг, қилясангиз. Шу сайловда ҳатто ўзимизнинг туман ҳокимлигини ҳам аяб ўтирмадинг...

Ҳа, ёш ижодкор, тиниб-тинчимас инсон, халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгаши депутати Соатмўмин Жумаев бугун ўз халқшўлоқлари, тумандагиларнинг катта-кичик муаммолари билан банд. У ана шу йўлда баъзан қимматларга ёмон қўрилиб, талашиб-тортишиб депутатлик сўровларини йўлламоқда, туман сессияларида сўз олиб бор камчилиги муаммоларни мутасаддиларнинг олдига қўдаланг қўймоқда.

— Бир неча бор вилоятимиз ҳокими Тўра Абдиевич Боболовнинг қабулида бўлдим. У киши гапларимни, конкрет тақлифларимни эшитиб: “Раҳмат сизга, менга сиздек интилувчан, ишлайдиган одамлар керак. Хўп десангиз, Сизни вилоятдаги бирор каттароқ вазифага тайинлаймиз”, деди.

Мен вилоятимиз раҳбарига бундай ишонч учун миннатдорлик билдирдим. Аммо гап катта вазифа, лавозимда эмас-ку! Шу боис, “каттароқ вазифа”ни рад этдим. Муҳими, қишлоқдошларим, туманимиз аҳли менга ишонч билдиришган. Шу ишончини оқласам, уларга керак бўлсам, шунинг ўзи катта бахт, — дейди у.

Тоштемур ТУРДИЕВ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган маданият ходими.  
Хикматулло ҚОДИРОВ,  
“Hurriyat” мухбири.

## ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

### КОРРУПЦИЯ УЧУН ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Хитой ҳукумати партия кўмитасининг собиқ котиби ва Хитойнинг энг йирик активларни бошқариш бўйича “China Huagong” компанияси директорлар кенгаши раиси Лай Сяо-минга нисбатан ўлим жазосини эълон қилди. Тяньцзин шаҳри суди компания собиқ раҳбарини коррупция, порахўрликда айблаб, ўлимга маҳкум этди.

2018 йил кузида Лай Сяомин партия интизоми ва қонунларини жиқдий бузгани учун партиядан чиқарилган. Хитойнинг собиқ раҳбари қимматбаҳо совғаларни, шу жумладан, катта миқдордаги пулларни қабул қилган, қимматбаҳо ресторан ва клубларда зиёфатларни ноқонуний равишда уюштирган ва ўз лавозимидан шахсий манфаатлари учун фойдаланган.

Хитой ҳукумати 1997 йилдаги Осиё молиявий инқирозига жавобан 1999 йилда “China Huagong” компаниясини ташкил этган эди. Бу активларни бошқариш бўйича энг йирик тўртта компаниядан биридир.

Лай Сяомин 1962 йилда туғилган. У 2009 йил январь ойида “China Huagong”та ишга ўтиб, 2012 йилда ҳозирги лавозимини эгаллаган эди.

### КОМФОРТДАН ЧИҚИШ ПАЙТИ



Коронавирус пандемияси нозу неъматга тўйган дунёни фаровонлик ва комфортдан чиқишга мажбур қилди, — деди Россия президенти матбуот котиби Дмитрий Песков.

“Нима учун дунё бу пандемияни шу тарзда қабул қилди? Чунки пандемия яхши овқатланган дунёни ўз комфортидан чиқарди. Одамларни озиқ-овқатдан, кийим-кечакдан, айтди-айтди-дан муҳимроқ нарсалар ҳақида ўйлашга ва гапиршишга мажбур этди”, деди у “Соловьев Live Ютуб” каналда берган интервьюсида.

“Назаримда, у (пандемия) қандайдир тарзда ўтиб кетадигандек туйилади. Яна бир савол — янги пандемиялар пайдо бўладими”, — дея қайд этди Песков ва бу борада илм-фан кўплаб муаммоларга дуч келаётганини таъкидлади.

### “ЧЕГАРА БИЛМАС МУХБИРЛАР” ВА АССАНЖ

“Чегара билмас мухбирлар” халқаро ташиқоти Буюк Британия расмийларини Белмарш қамоқхонасида бўлган “WikiLeaks” ташиқоти асосчиси Жулшан Ассанжни зудлик билан озод қилишга чакирди. Бу ҳақда ташиқот матбуот хизмати душанба кун тарқатган баёнотида айтилади.



“Биз Буюк Британия судининг Ассанжни АҚШга экстрадиция қилиш ҳақидаги талабни рад этиш тўғрисидаги қарорини мамнуният билан қабул қиламиз. Аммо биз суднинг матбуот эркинлигини ҳимоя қилиш тарафдорлари сифатида аниқ сўз айтмаганидан афсусдамиз”, — дейилади баёнотда.

Лондон суди душанба кунин Ассанжнинг ҳаётига хавф тугдиргани сабабли уни АҚШга топшириб бўлмастлиги ҳақида қарор чиқарди. 6-январь, чоршанба кунин яъни бугун суд Ассанж адвокатларининг уни гаров эвазига озод қилиш ҳақидаги илтимосномасини қўриб чиқади.

### АФРОДИТА ИБОДАТХОНАСИ ХАРОБАЛАРИ



Туркиянинг гарбий қисмида олимплар ва археологлар 2500 йиллик Афродита ибодатхонаси қолдиқларини топдилар. Бу Урла ярим оролидаги қазил ишлари пайтида юз берди.

Шунингдек, ушбу ҳудудда 35 та қадимий аҳоли пунктлари топилган, шу жумладан 16 таси неолит даврининг охирига мансубдир.

Улар орасида Афродита ибодатхонаси харобалари ҳам бор. “Бу ҳаяжонли ва таъсири қашфиёт”, деди Мемар Синан санъат университети ходими, археолог Елиф Копалар.

Бу ердаги тадқиқотчилар бир неча йил давомида қазил ишларини олиб боришди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, маҳаллий аҳоли уларга бу ишда яқиндан ёрдам берган.

### ТЎЙДАГИ ПОРТЛАШЛАР

Малида тўй маросимида содир этилган ҳужум натижасида ўнлаб одамлар ҳалок бўлди.



Манбаларга кўра, ҳаво ҳужумида камида 20 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган. Ҳаво ҳужумлари 4 январга ўтар кечаси номанъул самолёт томонидан амалга оширилган. Фожиа Малининг марказий қисмида, Дуенза шаҳри яқинида содир бўлган. Нашр таъкидлашчида, тўй маросими иштирокчилари бомбардимон қилинган.

Эҳтимол, воқеа сабаби ҳарбий учувчиларнинг хатоси бўлиши мумкин. Малида маҳаллий авиация кучлари, БМТ тинчликпарвар кучлари ҳамда “Бархан” операциясини ўтказаяётган француз ҳарбийлари бўлган.

Малида 2012 йилдан бери вазият беқарор эди. 2013 йилда Франция Африканинг марказий ҳокимияти назоратида ҳудудни қайтариб, Малига қўшин киритди. Ушандан бери исломчилар жангариларни ёллаш учун этник рақобатдан фойдаланмоқдалар.

### ЭМЛАШ УЧУН УЗУ-У-УНДАН-УЗУН НАВБАТ



Пекинда вакцина олишни истаганлар орасида уз-у-ндан-узун навбатлар қўпайган. Хитой пойтахтининг 70 миңдан ортиқ аҳолиси вақцинани қабул қилди, деб хабар беради “Известия” телеканали.

Бироқ Хитойнинг умумий аҳолисини назарда тутадиган бўлсак, эмлашга навбат қанчалар узун бўлса, бу жараёни охирига етказиш ундан ҳам узоқроқ йилларни олиши мумкин.

Эмлашлар даставвал табибей ходимларига, ижтимоий хизмат ходимларига, бо



# Ўзлигига қарши бормаган ШАҲС

**Таниқли ёзувчи, моҳир публицист, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳаммад журналистик фаолиятига чизгилар**

1 “Нима бўпти”, дея кўрманг. Нега Амир Туркистонни топган империя вакиллари билан саломлашиб, уларнинг хурматини жойига қўяди-ю эзгулини озулуган жонқуяр муҳаррирни руҳан эзгилайди? Вазиру хослар Амир Олимхонга муҳаррир Бехбудий ҳақида қандай маълумотларни етказишган эди?... Ҳақиқатни наشريда эълон қилган муҳаррир, ўз юрти – кўҳна Туркистон фидойисига нега амирга ёқмаганди?..

Негаки, ўша даврда нашр этилган “Самарқанд” газетаси, “Ойна” журналларига бош муҳаррирлик, “Хурият” газетаси тахририяти жамоасига гоёвий раҳбарлик давомиди Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистоннинг бошқа худудлари қаторида Бухородаги муаммо ва камчиликлари ҳам кескин қораллаганди. Шундай бўлса-да, Аминнинг хурматини жойига қўйиб, шарқона андиша билан ёзганди!

Шўро даврида ҳам ҳақиқий муҳаррирларнинг қисматида бундай воқеалар кўп бўлди. Совет тузумининг сўнгги йилларида “Ёш куч” журналида муҳаррирга ўринбосар бўлса-да, мақоламиз ҳақрамони Хуршид Дўстмуҳаммад ҳуқуқ посбонлари йўл қўйган хато ва камчиликларни бир неча мақолаларда фош этди. Айтганча-айтган, дегани-деган бу соҳа раҳбарлари “фаолиятимиздаги камчиликларни ўрганибсиз, ишмизга ёрдамингиз учун раҳмат”, дейиш ўрнига турли йўллар билан, ҳеч йўқса, совуқ муомала-но эътиборсизлик билан эътироз билдиришади, иложи бўлса-ку, раддия эълон қилиш талаби билан чиқарилади. Ахир терговчи судьяларга ўхшаб гумондорни ишончасизга “таклиф” этиб камчиликларни аниқламадику муҳаррир. Масалан, Сурхондарёдаги бир жиноят иши юзасидан ёзган (“Адолатсизлик! Ҳақсизлик! Хўрлик!”) мақоласини сафарига чиқиб, хонадон-хонадон юриб, кўйимча гувоҳлар билан суҳбатлашиб, терговчилар “унутган” ишларни бир неча ой давомида бажарсаю, яна маломатга қолса?!

Хуршид Дўстмуҳаммад “Ёш куч” журналида бош муҳаррир сифатида (1994-95 йиллар) даврнинг долзарб мавзуларини белгилаш, кўл остидаги журналистлар ташқи муаллифлар билан ишлаб, муаммоларни жамоатчилик ҳуқуқига олиб чиқиш борасида катта тажриба тўплади. Нашрнинг мазмунини бойитиш мақсадида кўп гоёларнинг ҳаётига таълиқ этди. Бунда мисол келтирганимиз халқнинг назаридики энг муҳим — ҳуқуқлари поймоғи этилганлар ҳимоясию аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид чиқишлар билангина чекланиб қолмади. У тахририят раҳбари сифатида инсон камолотида муҳим ҳисобланган адабиёт, мусиқа, фалсафа ва бошқа йўналишларга ҳам эътибор қаратди. Масалан, таниқли композитор Анор Назаровга савол билан мурожаат қилиб, миллий маданиятимиз, шу билан бирга Ғарб, жумладан, опера санъатининг ўзига хосликлари, ўзимиздан чиққан таниқли хонадаларнинг ҳақи бирида баритон, тенор, сапрано каби овозлар борлиги, октава нималиги ҳақида жавоблар олиб, журналхонларинг бу борадаги маълумотини оширишга ҳисса қўшди. Ёки фотожурналистика билан шуғулланадиганлар учун “Бу олам бир суратхона” руқинни ташкил этиб, улар муҳридан бетакор лаҳзаларни журнал саҳифаларида мунтазам бериб борди. Нашр катларида ёш иктидорлар, ҳаваскор журналистларнинг асарларини қўйишимиз эса муҳаррирнинг тетапоа қилаётган қаламкашларга меҳридан дарак эди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг муस्ताқил Ўзбекистоннинг ягона муस्ताқил наشري — “Хурият” газетасига бош муҳаррирлик вазифасига ўтганилиги (2001) жамиятда содир бўлган ўзгаришлар, демократик тўлқонларни кўтароқлашган авлод эврилишлари билан кечганлигини кузатишимиз мумкин. Муस्ताқилликнинг тўрттинчи йилдан кейин истиқлолнинг мустақамлаш баҳонасида эркинлашиб келаётган матбуотга тўсиқлар қўйила бошланди. Оммавий ахборот воситаларида бошқача фикр айтилмай қўйгани, ҳатто, раҳбарларнинг ўзига ҳам яққол сезилиб қолди. Шунда матбуот эркинлиги маъжудлигини кўрсатиш мақсадида ХХ асрнинг 17-йиллида чоп этилиб, большевиклар томонидан ёпилган жадидлар наشري номида “Хурият” муस्ताқил газетасини таъсис этишга изн берилди.

Газетада бир неча муҳаррирлар алмашган, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бош муҳаррирликка таклифи этишди. Ҳолбуки, у ҳеч бир раҳбарлик лавозимини сураб олган инсон эмас. Ҳойнаҳой унга бош муҳаррирликнинг лозим тариқчилиги инсон камолоти, давлат ва жамият қарақчиётида эволюцион йўлини, маърифат йўлини танлагани, вақтин маърифатли бўлиб қўйган гоёларини амалга оширишга киришганини газета таҳмалларини ўқиб-ўрганиб аниқлаб олиши қийин эмас.

Мисоллар эса кўп, масалан, ҳозирда марҳум мутафаккир олимишимиз Нажмиддин Комиловнинг “Вазир қандай бўлиши керак?” сарлаҳали туркум мақолалари газетанинг бир неча (1998 йил 28 январь, 25 февраль, 11 март, 27 май) сонларида берилди. “Давлатчилик” руқнидаги бундай мақолаларда ҳукумат раҳбарига камарбаста

бўлган вазирлар дунёқарши, интеллектуал салоҳияти қандай бўлиши, давлат ишларини юритишда адолатпарвар, халқпарвар, тадбиркорлик сифатларига, қалб тозаллигига эга бўлиши тарихий далиллар асосида ёритилди. Умуман, раҳбарлар, раҳбарлик маърифати газета саҳифаларида асосий ўринда турди. Амалдорнинг қандай бўлиши зарурлиги ҳақидаги фикрлар айнан ана шу хислатлар амалдаги бошқарув ходимларига етишмаётганини билдирарди.

“Ёш куч” журналида тўпланган тажрибаси бош муҳаррирга “Хурият”да айнқиса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги адолатсизликлар, жамиятда адолат ўрнатиш зарурати бўйича материаллар уюштиришда кўп келди. Аввало, публицист сифатида ўз ижоди билан бошқаларга ўрнак бўлди. Газета саҳифаларига мангу муҳрланган Ҳ.Олимжоннинг “Танқид кимга ёқади, ҳукм ўқиган судьячи? Демократлашадиган жамиятда суд ҳокимияти ва матбуот тил топилиб кета олармикан” (1999 йил 7 апрель) мақоласи ўша даврдаги камчиликларни очиб беришдан ташқари бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Муҳаррир муаллифининг “Судларнинг муस्ताқил, адолатли ва инсонпарвар, фақат қонунга бўйсунадиган одил суд бўлишини истаганимиз ҳолда, қайси босқичдаги суд бўлмасин уларнинг таъқиб ва таъзиқлар, илтимос ё кўрсатмалар таъсирида ҳукми ва қарорлар, ақрилар ижод қилмасликларига ташкилдошман” каби фикрларини “қайчи” ламасдан бериши ўз даврининг энг нозик масалаларини маърифат йўли билан олиб чиққанлигини аниқлатмайдими?

А.Алиқулловнинг “Оқлов ҳукми — йўқ даражада” мақоласида жуда ўринли савол қўйлади, ўткир ва мантиқли киноя қилинади: “Бунга сабаб нима: биз тергов сифати бўйича дунёда биринчи ўринга кўтарилдикми ёки...” Материалларнинг бу тахлит берилишида бош муҳаррирнинг ҳеч йўқса юраги бақувват бўлиши керак. Негаки айтилган ҳар бир сўзни ўзига нисбатан айблов сифатида қабул қиладиган ҳуқуқ-тартибот соҳаси мутасаддиларига бундай киноялар ҳам ёқмай қолган давр эди.

Бу каби мақолаларни газетада чоп этишга ихозат берган бош муҳаррирнинг эртанги кунни нотинч ўтиши шубҳасиз эди. Негаки, бу газетани ўша пайтда алоҳида бир ташкилот — ОАВ тафтишчиси бўлган — “цензор” ўқимасди. “Муस्ताқил газета” сўз бирикмаси унинг номи билан ёнма-ён қўйилишининг боиси ҳам шу эди аслида. Шу сабабли чоп этилган газета катта раҳбарнинг столига келиб тушар ва табиийки, ҳар бир муаммоли материал юзасидан мутасаддилардан изох сўраларди. Шу босис, газета чоп этилгани ҳамон тегишли мутасаддилар томонидан ўқилар, изох беришга тайёргарлик қўрилар, иложи борица бош муҳаррирга эртароқ эътироз билдиришга ҳаракат қилинарди. Ана шу серғалва жараён тўхтагунча бош муҳаррирнинг боши маломатдан чиқмасди. Бамисоли порох бочаси устида ўтиргандек бу қадар беҳузур ва беҳаловат ҳолатни бошидан ўтказган одамгина англайди буни.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бош муҳаррир сифатида тахририятга нозиктаб, инжиқ (яхши маънода) журналистларни тақлиф этиши, уларнинг гоёларини қабул қилиши бағрикенг, адолатли раҳбар эканлигини исботлайдиган далилдор. Ўша кунларнинг бирида бошқа бир устозимиз, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида фаолият қоритаётган таниқли муҳаррир Маҳмуд Саъдий “Хурият”га ўтаман, деб қолди.

— Гоёларимни Хуршидга айтгандим, маъқул келди чоғи, “келинд”, деди. Баъзи фикрларни ўтказиш қийин бўлса-да, ҳаракат қилиб кўрайлик-чи. Бу борада унинг тажрибаси катта, дунёқарашли кенг, — дегани ёдда қолган Маҳмуд аканинг. Газетадаги “Сиймо” руқнидаги материалларни устоз Саъдий уюштирганидан кўнчилиқ хабардор. Бош муҳаррир ва Маҳмуд Саъдий ҳамкорлигидаги “Мутлоа — роҳатбахш азоб” руқнидаги “ХХ аср — китоб асри: муносабатлар, мулоҳазалар, фикрлар” (1999 йил 12 май) деб номланган кўшсаҳифада жаҳоннинг 10 та ва миллий адабиётнинг 10та машҳур китоби ҳақидаги маълумотларни, миллият зиёлиларнинг китобхонлик даражасини таҳлил қилсангиз ажиб ҳулосаларга келасиз.

Умуман олганда, Хуршид Дўстмуҳаммад муҳаррирлигида газетада бошқа нашрлардагидан фарқланадиган руқнлар ташкил этилди. Газетанинг биринчи бетиди бериладиган “Йўғ-э!” руқнидаги бор-йўғи битта теша тегмаган гап муаммоли, катта ҳажмдаги мақолаларда ёритишнинг имкони бўлмаган залворли фикр журналистик қитмирикларга мисол бўла олади. Уларнинг аксарияти бош муҳаррирга тегишли ёки унинг розилиги билан газетада чоп этилган. Мана улардан айримлари:

“**Фикрдан қудратлироқ бузғунчи йўғ**”.

“**Фикрнинг жинси бўлмайд**”.

